Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 23 июнь ● сешанба ● № 26-27 (643-644) ● www.minjust.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Бу борада шаклланган ижобий анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, истиқлол йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан қўлга киритилган улкан натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини чуқур англаш, мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 30 июнига қадар **"Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш, тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб беришга хизмат қиладиган комплекс маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиб берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига чуқур сингдириш;

мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан атрофлича ўрин олаётганини кенг тарғиб этиш;

халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида кенг қўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётганини, мамлакатимизда кабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлокларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилгани ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу режа ва дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 19 июнь

Адлия тизими: ҳуқуқий тарғибот фаолиятимиз мезони

ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ:

Т. АКАНЕ,

Япония Адлия вазирлигининг тадқиқотлар ва малака ошириш институти халқаро ҳамкорлик департаменти директори:

— Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавжуд ҳуқуқий тизимни, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим омилларидандир. Аҳолининг хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ва эркин фикр билдириш билан қўллаб-қувватланиши лозим. Бу, масалан, турли конференциялар, семинарлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида хорижий экспертлар ва мутахассислар иштирокидаги тадбирларда ўз ифодасини топмоқда.



Оила, шахс, жамият

Тарбиянинг таянч нуқталари...

ЭЪТИБОР қилсангиз, ота-она ҳам меҳрлироқ боласига, ижтимоий маънода ифодалаганда келажакда маънавиятли шахс бўла оладиган фарзандига кўпроқ суянади, умид ва ишонч кўзи билан қарайди. Фарзандларнинг маънан камол топиши эса аввало, оилавий муҳит, улар дунёқарашининг шаклланишига қандай эътибор берилгани, ота-оналик масъулияти қай даражада адо этилганига боғлиқ. Бинобарин, ўсмир-ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, вақтини нималарга сарфлаётганлиги, қизиқишлари оиладаги катталарнинг назаридан четда қолмаслиги жоиз. Акс ҳолда бу эътиборсизлик боланинг оила ва унинг азалий инсоний анъаналаридан, ота-онадан маънан бегоналашувига олиб келади.

ДУНЁДАГИ глобаллашув жараёнларида турли хил мафкуравий таъсир воситалари деярли монеликсиз, "ҳўлу қуруқ" баробар кириб келаётган бир даврда ёшларимизни турли ёт таъсирлардан асрашимиз — халқимиз келажагини, юртимиз эртасини асраш деганидир.

8

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Бугунги ОАВ: Демократия экспорт қилинмайди

МАТБУОТ — хабар беради. Матбуот воқеликни шарҳлайди. Оммани воқиф этади. Ҳа, борингки, оммада фикр уйғотади. Нима? Қачон? Қаерда? — деган саволларга жавоб излайди. Яна... Яна ахборот тарқатади. Ахборот сотади. Шунинг учун ҳам дунёда ахборот бозори, деган тушунча мавжуд...



Муҳаррир минбари

БИРОҚ, бизнингча, бугун миллий истиқлол ғояси, озодлик тушунчаси, қадим қадриятларимиз, миллатимиз менталитетидан келиб чиқиб, халқимизга хос эзгу фазилатларни тарғиб қилиш минбари ҳамдир матбуот. Демак, ўзбек матбуотининг бир қаноти юқорида айтганимиз каби **воқеликнинг тезкор шарҳи** деб аталса, иккинчи қаноти — **маънавий тарбия!** Ҳозирги даврда бу жуда ҳам муҳим, нафақат муҳим, мафкуравий тўқнашув, ахборот хуружлари авж олган паллада ҳаёт-мамот масаласидир.

Халқимизда бир ақида бор: уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслик керак. Кимнинг мушуги кимнинг кучуги билан ириллашгани-ю, қайси учарнинг қанча жазмани, қайси машҳурнинг рақиби билан олишуви, хуллас, эшитсанг юзинг қизарадиган ғийбату-ғурбатлар ўзбек матбуотига ярашиқли иш эмас. Катта-катта гаплар айтиладиган, миллат тақдирига дахлдор масалалар кўтариб чиқиладиган минбардир матбуот! Кимнингдир кимгадир тош отадиган майдони эмас, тошбўрон макони эмас, матбуот! Шу жиҳати билан маънавий қадриятлар улуғланадиган манба матбуот, шу жиҳатимиз билан биз хорижий матбуотдан фарқ қиламиз — шундай бўлгани ҳам тўғри.

Яхши биласиз, умумдемократия, универсал демократия шиори остида ахборот хуружларини авж олдираётган, глобал санъат тушунчасини дунёга тиқиштираётган айрим жаноблар қўлидаги қуролга айланган ОАВнинг мақсад-муддаоси жаҳонда мафкура урушини очишдан бошқа нарса эмас. Бунга маълум маънода эришилаётгани ҳам ҳақиқат. Дунёда "ягона мафкура харитаси"ни яратишга жонини тиккан бундай уддабуронлар ўз мақсадларига етишиш учун энг аввало, "ахборот қуроли"дан фойдаланишмоқда. Бугун тарқалаётган айрим хабарлар жангоҳларда портлаётган бомбалардан хатарлироқ таъсир кучига эга бўлмоқда, бўҳтон ва иғволар, сиёсий майдонлардаги ўйинларнинг ялтироқ изоҳлари тагидаги муддаолар бутун дунёни боши берк кўчага киритишга қаратилмоқда, мақсад аён — дунёга ўз таъсир кучини ўтказиш.

Бироқ, **универсал** демократия хаёлий гап, демократия кийим эмас, озиқ-овқат ҳам эмас, бир жойдан иккинчи жойга экспорт қилинмайди. Агар тарғиб ва ташвиқ қилинаётган демократия ўзга бир миллатнинг гуркираб ўсаётган маънавият боғига соя солса, кўланка ташласа, унинг умумбашарийлиги қаёқда қолади? Ўзга миллатнинг удумлари, шаъни, ор-номусига терс келган демократиянинг халқчиллиги бўладими? Менга, оиламга, халқимга тўғри келмайдиган тушунчалар уруғини сепаётган "демократик ғоя" менинг келажагимга, эртанги кунимга хизмат қилиши мумкинми? "Демократия"нинг айрим киноларидагидай эрталаб уйқудан турибоқ, тўшакда турмай, юзимни ювмай кофе ичишни, отам кексайса уялмай-нетмай қариялар уйига жойлаштиришни, ўғил-қизим вояга етгач, сен энди катта одам бўлдинг, ўзинг яшайвер, деб эшикни кўрсатиб, кўчага чиқариб қўйишни, тўй-таъзияга нима қипти, бу менга тааллуқли эмас, деб элдан айро, ўз ҳолимча яшашни тасаввуримга сиғдиролмайман. Агар мен шундай яшасам, икки дунём куйиб кетмайдими? Бу жиҳатлар халқимизга умуман ёт тушунча. Жоҳилликка йўйманг, умуминсоний ғоялар, дунёвий тараққиётга юзма-юз чиқишга шай миллатмиз. Демократияни инкор қилмаймиз, бироқ дунё саҳнида ўзимизни асраб қолишга монелик қилмайдиган демократия тарафдоримиз. Бугунги тараққиётдан узоқлашиш дегани эмас бу, узоқлашмаймиз ҳам. Қолаверса, жаҳон тараққиёти бешигини бизнинг аждодларимиз тебратган. Тараққиёт ўчоғида яшаяпмиз. Дунё ухлаётган паллада осмонга нарвон қўйган халқмиз. Юлдузларни ерга туширгган халқмиз. Жаҳон тиббиётининг алифбоси, ибтидосини биз бошлаб берганмиз. Буларни санаб адо қилиб бўлмайди...

Зуваласи пишиқ, тафаккур томири ернинг ўқ илдизига бориб теккан халқнинг, туйғулари, маънавияти билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бугунги айрим хорижий ОАВ, турли хил йўналишлар билан кириб келаётган мафкуранинг сунъий тўфонлари муаллифлари шуни англасалар бас!

Бизнинг матбуот миллатимиз менталитети, қадриятини улуғлайдиган, улуғ фазилатлардан куч олган матбуот. Жаҳон билан бўйлашаяпмиз. Дунё ахборотларини қабул қилаяпмиз. Қайси хабар қандай, қайси хабарда бузғунчи ғоялар устомонлик билан сингдириб юборилган, сезиб турибмиз. Ҳозирги шиддаткор ахборот асрида ҳушёрлик, миллат манфаатига гард юқтирмаслик ҳар бир журналист, ҳар бир ижодкорнинг виждони қадар муҳим масаладир.

Нон ва газета
XXI асрда уларни бир-биридан айри тасаввур қилиш қийин 2

Терроризм балоси
глобал муаммолардан бири 3

Ташқи меҳнат миграцияси
Халқаро меъёрлар асосида 4

Келинини сотган қайнона 5

Малака, мезон, истеъдод
Концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш 7

Адлия вазирлиги ташаббуси

Ҳуқуқ билимдонлари беллашуви

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида "Ҳуқуқ билимдонлари" қувноқлар ва зукколар республика беллашувининг ҳудудлараро яна бир саралаш босқичи ўтказилди. Ушбу беллашувда ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчиларидан иборат Фарғона, Наманган ҳамда Андижон гуруҳлари ўзаро куч синашди.

МАЗКУР беллашувни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги лицей ҳамда коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Наманган вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ бўлими ҳамда ҳудудий ва марказий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ушбу беллашувда ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, шу жумладан, сайлов қонунчилиги ва Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар борасидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Беллашув 3 та шарт асосида ташкиллаштирилиб, биринчи шартда гуруҳлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга қаратилган бадиий чиқишларни намойиш этишди, иккинчи шартда ҳар бир гуруҳга Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволлар берилди.Учинчи шартда эса гуруҳлар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида таклиф ва тавсиялар кўргазмали ҳамда саҳнавий кўринишдан иборат чиқишлар орқали намойиш этилди.

Беллашувда Наманган вилоятининг **"Ёш сенаторлар"** гуруҳи ғолиб, деб топилди ҳамда Фарғона вилоятининг **"Ал-ҳидоя"** гуруҳи иккинчи ўринни, Андижон вилоятининг **"Бобур авлодлари"** учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиб ва иштирокчилар Адлия вазирлигининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари, шунингдек, ҳуқуқий адабиётлар билан ҳам тақдирланишди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, ушбу беллашувнинг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойлари давомида барча вилоятларда ўтказилади ҳамда йил якуни билан мазкур беллашувнинг якуний финал босқичи бўлиб ўтади.

Навбатдаги беллашув эса жорий йилнинг сентябрь ойида Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг гуруҳлари ўртасида бўлиб ўтади.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Тадбир

Малакали кадрлар

суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлайди

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳар тамонлама етук, интеллектуал салоҳиятга эга ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда самарали фаолият олиб бормоқда. Марказда ТДЮИ махсус кафедралари профессор-ўқитувчилари ҳамда Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари раислари ва судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар раислари, ўринбосарлари ва судьялари лавозимига илк бор тайинлаш учун захирага олинган номзодлардан иборат тингловчилар гуруҳи таҳсил олмоқда.

МАРКАЗДА тингловчиларга нафақат назарий, балки амалий машғулотлар ҳам ташкил этилади. Яқинда марказ ташаббуси билан ташкил этилган ана шундай амалий машғулотлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)да бўлиб ўтди. Юзма-юз мулоқотда **"Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари"** мавзуи доирасида ташкил этилган ушбу давра суҳбатларида тинговчилар Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Сенат аъзолари, депутатлар билан мулоқотларда қонунчиликдаги янгиликлар, тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар олди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Кониституциявий судида бўлган учрашувда қатнашчиларга республикамиздаги суд тизими, унда Конституциявий суднинг тутган ўрни, фаолияти, тузилмаси ва қарорларни қабул қилиш тартиби, ушбу соҳадаги хориж тажрибаси ҳақида батафсил тушунчалар берилиб, Бош қомусимиздаги **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"**ги Қонун моддалари батафсил шарҳланди.

Юртимизда мустақилликдан кейинги давр ичида инсон манъфаатларини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш энг устувор вазифалар қаторидан ўрин олган. Бу эса айни вақтда ўз самарасини бериб келмоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)да бўлган давра суҳбатида мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳақида сўз борди.

Алимардон ЖУМАНИЁЗОВ

ОАВ билан ҳамкорлик

муҳим аҳамият касб этади

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида вилоят адлия бошқармаси ходимлари, марказий ва маҳаллий ОАВ, ФҲДЁ ва нотариал идоралар вакиллари иштирок этдилар.

ТАДБИРДА Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш юзасидан адлия идоралари олдига бир қатор муҳим вазифалар белгиланганлиги, мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда, тизимда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг халқ оммасига етказишда бевосита оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта эканлиги алоҳида таъкидланди.

Адлия вазирининг матбуот котиби Т.Тўраев ҳам Адлия идораларининг муҳим вазифаларидан бири қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланишдан иборатлиги, шундай экан, мавжуд қонун ҳужжатлари моҳиятини кенг халқ оммасига оддий, халқчил тилда етказишда ОАВнинг роли беқиёслиги ҳақида тўхталди.

Шунингдек, Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Л.Мусашайхов юртимизда кечаётган ислоҳотлар, унинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш борасида Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам республикамизнинг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр билдирди.

Тадбир якунида марказий ва маҳаллий ОАВ ходимларига эсдалик совғаларини топширилди.

Алишер ТЎРАЕВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

ҲАММАМИЗГА маълумки "27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" ва мен шу муносабат билан юртимизнинг жамики ижодкорларини чин қалбимдан муборакбод этаман, уларнинг ижодига баркамоллик,қаламлари янада чархланишини ва албатта юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг энг фаол иштирокчилари бўлиб қолишларини тилаб қоламан.

Меҳнат инсонни улуғлайди

ЮРТИМИЗДА жуда кўплаб ОАВ мавжуд, жумладан телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет саҳифалари ва ҳоказо. Улар орқали эса кўплаб маълумотларга эга бўлишимиз ва ўз ўрнида замон билан ҳамнафас бўлаётганлигимиздан далолатдир.

Аммо, замон билан ҳамнафаслик бўлар-бўлмас ахборот ва маълумотларни илғаш дегани эмас албатта. Сир эмас бугун "Оммавий маданият" деган тушунча кириб келмоқда. Табиийки, бу кўрнишдаги ёт бўлган маданият бизга умуман тўғри келмайди. Бунинг олдини олиш учун эса журналистларимиз кучли, ақл-идрокли ва жуда ўткир стратегик билимга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайман.

Мен ҳам бу ушбу касбни, яъни журналистикани танлаганим бежиз эмас. Мен учун ҳалқ орасида бўлиб, амалга оширилаётган жараёнларни, эришаётган ютуқларни, мавжуд муаммоларни матбуотда ёритиш, бу билан улар ҳал этилишига ўз хиссамни қўшишни шараф, деб биламан.

Телевидение орқали намойиш этиладиган ва барчамизнинг ҳурмат, эътиборимизни қозонган "Давр" информацион дастурининг бошловчиларидан Гули Икромова, Нодира Турсунова, "Ахборот" дастури бошловчиларидан Елена Ким, Севара Турсунова, Людмила Мирвинская ижоди билан доимий қизиқиб тураман. Албатта, уларнинг бу даражага етишишлари замирида катта меҳнат ётганлиги сир эмас. Демак, инсон қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар ҳалол меҳнат ва тиришқоқлиги билан шу даражага етишиши мумкин экан.

Ўйлайманки, мен ҳам келажакда ҳалқимнинг диққат-эътиборидаги ва уларнинг дуоси-ю, меҳрига сазовор журналист бўламан.

Яна бир бор барча ижодкорларни яқинлашаётган касб байрамлари билан чин юракдан муборакбод этаман.

Гўзал ЭРГАШЕВА, Миробод туманидаги 110-мактаб 9-синф ўқувчиси

ДУНЁДА КАСБЛАР КЎП. Ҳамма касбларнинг мазмун-моҳияти бир нарсага қаратилган. Бу ҳам бўлса яхшиликкадир. Яхшилик ва эзгулик бор жойда қут-барака, меҳр-оқибат бўлади. Ана шу фазилатлар намоён бўлган юртда эса ривожланиш, тараққиёт бўлади. Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларининг ривожида ўзбек журналистикасининг ҳам улуши бор. Буни хорижлик ҳамкасблар ҳам эътироф этишади. Журналистлик касбининг масъулияти ҳақида тажрибали журналистларимиз ҳам кўп ва хўп гапиришган.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Нон ва газета

XXI асрда уларни бир-биридан айри тасаввур қилиш қийин

ЖУРНАЛИСТИКА ҳақида мамлакатимиз Президенти шундай дейди: **"Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан борувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар. Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади".**

Биз бугун глобаллашган, ахборотлар "қайнаган" даврда яшаяпмиз. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз ҳаётини ОАВсиз тасаввур қилиши қийин. ОАВ инсон учун нон каби ҳаётий зарур омилга айланган. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

...Эрта тонгда пойтахт кўчаларини айланганмисиз? Нақадар завқли. Айниқса, ёз чиллласида. Кун бўйи давом этадиган шовқиндан гўё шаҳар ҳордиқ олаётгандек бўлади. Шаҳар осойишталигини нон ташийдиган ва матбуот дўконларига ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган газеталарни етказиб берадиган автомашиналар шовқини бузади. Сўнг трамвайларнинг тақа-туқи бошланади. Кўп ўтмай шаҳарга гўё жон киради. Одамлар дунё ташвишида ғимирлаб қолишади. Улар, аввало, нон ва газета дўконлари ёнида пайдо бўлишади.

Ҳар тонг ана шу манзарани кузатаман. Нон ва газета. XXI асрда бу сўзларни айри тасаввур қилиш қийин. Матбуот дўконидан газета сотиб олаётган муштарийларни кўриб уларга ҳурматим ошади. Дилга ҳузур бағишловчи фикрлар пайдо бўлади. Юртдошларимиз бизни "ўқиятпи", дейман. Демак, қатор ҳамкасбимизнинг бедор ўтказган туни, узоқ сафарга бориб, минг бир азобда ёзган мақоласи зое кетмаяпти.

... Ҳар йил 27 июнь ҳамкасбларимиз ўз байрамларини нишонлашади.

Ана шу куни Ҳамид Ғулом, Машраб Бобоев, Мирмуҳсин каби адиблар билан ишлаган таниқли рассом Алижон Холиқовнинг шогирди рассом Ғафуржон Алимов ёнимга келиб: — Зайниддин ака, юринг байрамга биродарларимизнинг суҳбатини олиб келамиз, — дейди.

Пойтахтнинг нуфузли боғида дийдорлашув бўлади. Йил бўйи қилинган меҳнатга баҳо берилади. Барча таҳририятлардан ташриф буюрган журналистлар байрам баҳона учрашишади. Бир-бирлари билан соғ-омон учрашганига шукрона айтишади. Устоз шогирдлар ўртасида суҳбат қизигандан қизийди. Ана шундай дамларда баъзан ҳамкор, ҳамфикр бўлган устозлар дунёдан бевақт ўтиб кетганини эшитиб, юрагинг зил кетади. Ҳаёт дегани шу эканда, деган мулоҳазага борасан. Журналист бўлиб кимларнинг корига ярай олдим, деган дардли савол қалбингни ўртайди.

Одамлар газетага ишонишади. Баъзан минг бир ташкилотнинг эшигини қоқиб, адолат топа олмагач, ёрдам сўраб таҳририятга келади. Журналистнинг бир оғиз ширин сўзи, унинг дардли мактуби газетада чоп этилса ундан бахтли инсон йўқ. Қайси бир таҳририятда фуқаролардан келган мурожаатларга эътибор қаратилса, мухлислар орасида газетанинг обрўси ортади. Газетамизнинг "Мурожаатлар "Инсон ва қонун" эътиборида", "Адлия аралашгач..." рукнидаги расмий жаволлар бунга мисол бўлади.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. 90-йиллар эди. "Туркистон" газетасининг хатлар ва шикоятлар бўлимида ишлар эдим. Бир куни таҳририятимизга хоразмлик бир отахон келди.

— Қамоқдан келаяпман, туҳмат билан уч йил "ўтирдим". Сабаби, қўшним билан ер талашиб, жанжаллашиб юрардик. Бир куни хотини дод солиб, кийим-кечагини йиртиб, милицияга борибди. "Қўшним мени зўрламоқчи бўлди. Зўрға қочиб қутулдим", дебди.

— Таҳририятдан сизга қандай ёрдам керак? — сўрадим отахондан.

— Каттангни олдига олиб кир. Менга туҳмат қилишганини ёзсин. Одамлар менинг кимлигимни билсин. Бўлмаса қишлоққа кетмайман. Ўлигим кўчада қолади.

Бобо тушмагур ҳар куни таҳририят эшигига эрта тонгдан келиб турадиган бўлди. Охири таҳририятдагилар маслаҳатлашиб, "Таҳрирсиз мактуб" рукнида "Туҳмат" сарлавҳали кичкина мақола бердик. Газета чоп этилгач, отахон "қишлоқдошларим олдида юзим ёруғ бўлди. Энди ўлсам, армоним йўқ", дея газетани юзига босганча анча йиғлагани эсимда.

Ана сизга сўзнинг қудрати. Ана сизга газетанинг кучи. Халқимиз ОАВга ишонади. Ҳаётда ишончдан-да буюк эътирофнинг ўзи йўқ.

Ҳамкасбимиз, устоз журналист Қашқадарё вилояти прокуратурасининг "Адолат кучи" газетаси бош муҳарири Норбўта ака Ғозиевни кўпчилик яхши билади. Умрини журналистикага бағишлаган Норбўта ака ёшларга ўрнак, қайси бир газетани варақламанг, у кишининг мақоласига кўзингиз тушади. Яқинда устоз билан журналистикамизнинг ютуқ ва муаммолари ҳақида суҳбатлашиб қолдим.

— Таҳририят шундай даргоҳки, – дейди устоз, — ҳар қандай қалби кемтик даъво излаб келганида бу маскандан малҳам топиб кетсин. Ҳар бир сўз инсон қалбига дармон бўлувчи воситага айлансагина мақсадга эришган бўламиз. Сўзнинг қудрати шунчалик сеҳрлики, унинг жозибасидан гуллар унади. Кўнгилга соя солган тушкунлик ҳам бир оғиз ширин сўз таъсирида умидбахш шуълага айланади. Журналист ҳар бир газетхоннинг юрак-юрагига сингиб кетадиган сўз топа билиши керакки, ана шу сўз ўзининг залвори билан жамият тараққиётига хизмат қилсин.

Устозларимиздан газетачиликнинг нони тошдан ҳам қаттиқ бўлади, аммо жуда ширин, деган гапларни кўп бора эшитганмиз. Газетачи журналистдан энг ёқимли ҳид нима деб сўрашса, "Босмахона бўёғи анқиб турган газетанинг ҳиди", деб жавоб беради. Бундай ажойиб ҳолатни фақат ҳақиқий журналистгина ҳис қилади.

Бугун ўзбек журналистикаси мустақилликнинг эпкинлари туфайли ўзининг катта йўлига чиқиб олди. Унда Юртбошимизнинг катта хизматларини эътироф этмасак бўлмас. Парламентимизда ҳам ОАВга оид қонунлар давр талабидан келиб чиқиб, ўзгартириб борилмоқда. Журналистларимиз учун "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, **"Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"**ги, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги ва **"Реклама тўғрисида"**ги қонунлар компас вазифасини ўтамоқда. Ҳамкасбларимиз зиммасидаги вазифа ва маъсулият аниқ — халқимизнинг қалбига яқин мавзуда дилтортар мақолалар ёзиш. Қўлига қалам тутган журналист уни қалбдан ҳис қилмоғи лозим.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ 1959 йилда Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманининг Қоратош қишлоғида туғилган. 1985 йили ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугатган.

"Туркистон" газетасида бош муҳаррир ўринбосари, республика Бош прокуратурасининг "Ҳуқуқ" газетасида бош муҳаррир ўринбосари ва бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган.

Яқинда "Инсон ва қонун" газетаси таҳририятида фаолият бошлади.

"Оқ бўрилар" қисса ва очерклар китоби муаллифи.

Сўз масъулияти

Холис фикр ва ҳаққоний муносабат

ШИДДАТКОР замонда инсоннинг энг катта эҳтиёжи ахборотга бўлган талабдир. Шу маънода бугунги давр учун энг аҳамиятли жиҳат бой ахборот манбаига эга бўлиш, аниқ факт ва рақамларга таяниш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимий равишда хабардор бўлиб боришдир.

ШУБҲАСИЗ, бу борада матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ҳаммамиз унга ишонамиз. Тан олиш керак, истиқлолимиз мазкур соҳа ходимлари фаолиятида янги-янги имкониятлар очаяпти. Журналистларимиз учун бугун ҳамма йўл очиқ, эркин ижод, ошкора муносабат, холис фикр ва ҳаққоний хулоса ҳеч қандай тўсиқ ёки тазйиққа учрамаслиги аниқ. Қувонарлиси, қалам аҳли ана шу эркинлик, ғамхўрлик ва ишонч-эътиборини ҳис этган ҳолда иш олиб боришга интилмоқда. Касб шаъни, сўз масъулияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ижодий жамоасининг меҳнатини алоҳида эътироф этган бўлардим. Улар давр руҳини ҳис этиб, ахборот бозорида тобора ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда матбуот нашрлари орасида ўз ўрнини топиш ва обуначилар ишончини қозониб, уни оқлаш осон эмас. Бунинг учун ҳар бир газета таҳририяти жамоасидан тинмай ижодий изланиш талаб этилади.

Тўғри, ҳали айрим камчиликлар, муаммолар бор ва ундан асло кўз юмолмаймиз. Тезкорлик, оғриқли масалаларга муросасизлик, танқидий-таҳлилий ёндашувларда бироз оқсоқлик сезилади. Лекин умид қиламанки, булар вақтинча. Замон талаби даражасида, халқаро андазаларга мос фикр юритиш мавриди келди ва буни журналистлар чуқур англаб етишган.

Ҳасан ҲАЙИТОВ, жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг раиси

Халқаро хавф

Терроризм балоси

XXI асрнинг глобал муаммоларидан бири

ТЕРРОРИЗМГА қарши глобал, минтақавий, локал ва миллий давлатлар доирасида курашиш XXI асрнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонун асосида Жиноят кодексининг 155-моддаси диспозицияси ўзгартирилиб, терроризм жинояти тушунчаси янги таҳрирда баён этилди. Унга биноан, «терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият»дир.

Халқаро терроризм халқаро қўламда бир қатор ижтимоий хавфли қилмишларни, жумладан, одамларни ўлдириш, давлатлар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги дипломатик алоқаларни барбод қилиш, халқаро алоқа ва учрашувларни амалга оширишни қийинлаштириш, шунингдек, давлатлараро транспорт алоқаларини амалга оширишни қийинлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бу балога қарши кураш борасида 1937 йилда Женевада терроризмнинг олдини олиш ва йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган. Унда жазолашга тортилиши зарур бўлган қилмишларни санаб ўтиш билан терроризм тушунчаси ойдинлаштирилган.

1950 йилда БМТ доирасидаги иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш (ЭХОСОС) тизимида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик муаммолари билан шуғулланувчи экспертлар қўмитаси ташкил этилган бўлиб, 1975 йилга келиб унинг номи **«Жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш қўмитаси»** деб ўзгартирилди. Мазкур қўмита 1993 йилдан бошлаб **«Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишлари юзасидан одил судлов Комиссияси»** деб аталмоқда.

Манбалардаги тахминларга кўра, террорчилар ядровий, кимёвий ва биологик қуроллардан ҳам жиноий мақсадларни амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Шунингдек, тўғридан-тўғри инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таъсир этмаган ҳолда компьютер тармоқларидан ҳам жиноий қилмишлари йўлида фойдаланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Компьютер тизими ёрдамида террорчилик ҳаракати содир этиш (кибертерроризм) ҳисоблаш марказлари, тиббиёт соҳаси ва баъзан ҳарбий баъзаларни бошқаришни, банк ва бошқа молиявий тармоқларни издан чиқаради.

1999 йилда **«Молиявий терроризмга қарши кураш тўғрисида»**ги халқаро конвенция қабул қилинган бўлиб, мазкур Конвенция доирасида террорчи ташкилотларнинг халқаро миқёсда ва ички давлат ҳудудидаги молиявий манбаларини самарали назоратга олишга қаратилган амалий чора-тадбирларни яратишга ҳаракат қилинди. Мазкур соҳада терроризмга қарши курашдаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1373 резолюцияси қабул қилинди. Унда терроризмни қўллаш қораланди ва бу ижтимоий хавфли ҳодисага нисбатан барча давлатларнинг муносабати мустаҳкамланди.

Ушбу резолюцияда белгиланишича, «Барча давлатлар қуйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:

— террор актларини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш;

— террор актларини амалга оширишда фойдаланиши мумкин бўлган ҳар қандай воситалар, усуллар, молиявий маблағлар билан тўғридан-тўғри ёки билвосита таъминлаган фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш;

— террор актларини содир этаётган ёки содир этишга ҳаракат қилаётган ёхуд иштирок этаётган ёки уларни амалга оширишда ёрдам бераётган шахсларнинг молиявий маблағлари ва бошқа пул маблағларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш;

— ўз фуқароларига ёки ҳар қандай шахслар ёхуд ташкилотларга террор актларини содир этаётган ёки уларни содир этишга ҳаракат қилаётган ёхуд уларни содир этишда иштирок этаётган ёки уларга ёрдам бераётган шахслар ёки ташкилотларга ҳар қандай молиявий активлар ёки иқтисодий ресурслар, воситалар ёхуд иқтисодий ва бошқа молиявий хизматларни тўғридан-тўғри ёки билвосита кўрсатишни тақиқлаб қўйиш».

Халқаро террорчиликнинг авж олаётгани, айниқса, Афғонистон ва бошқа баъзи давлатлар томонидан террорчи уюшмаларнинг ўз ҳудудидаги «ҳарбий лагерларда» бемалол тайёргарлик кўраётганлиги нафақат минтақа, балки дунёга хавф ва очиқдан-очиқ таҳдид солиб тургани бугунги кунда кўпчиликка аён. Бу масалага эндиликда барча давлатларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан қарши кураши долзарб масалага айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кенг доиралардаги халқаро анжуманларда терроризмга қарши курашишда барча давлатларнинг ҳамжиҳатлик йўлини тутиши ҳақидаги даъватлари замирида ҳам бу хавф ҳеч қачон чегара ёки ҳудуд билмаслигини кўрсатиб, дунёни огоҳликка чақириб турганлигини англаймиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

Нигоҳ

Суд ижро департаменти

Ходимларнинг малакаси, касбий ва ахлоқий фазилатлари эътиборда

ЮРТИМИЗДА барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бугунга келиб янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тизимини ишга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий нормалар ҳаётга изчил жорий этилмас экан, бундай ҳуқуқий норма ва қонунларнинг аҳамияти қолмайди.

ШУ БОИС ҳам ҳуқуқий нормалар ижросини таъминловчи тартиб-таомиллар, суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизми жорий этилиши жамият учун жуда муҳим зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори асосида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил қилинди. Унинг асосий вазифалари суд департаменти тизими ходимларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя этишларини ва ўз бурчига садоқатли бўлишларини таъминлаш, ходимлар томонидан "суд ижрочиси" деган номга доғ туширадиган, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция, порахўрлик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, Суд департаментини пок, виждонли ва касбий тайёрланган кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Шу боис ўтган давр мобайнида Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси фаолияти давомида содир этилиши мумкин бўлган тизим ходимлари орасида мансабни суиистеъол қилиш ҳолатлари кескин камайди. Суд департаменти тизимига ишга қабул қилинаётган ҳамда унда ишлаётган 56 нафар номзоднинг касбий, шахсий ва ахлоқий фазилатлари чуқур ўрганилди.

Инспекция томонидан олиб борилган ишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 23 нафар ходимга нисбатан турли интизомий жазо чоралари қўлланилди. 3 нафар ходим эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди.

Бундан ташқари, Ички хавфсизлик инспекцияси томонидан ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари ходимларининг иш юритувида бўлган тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни, электр энергия қарзларини, маъмурий жарималарни, жиноий жарималарни, давлат божларини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ижро қилиниши ўрганиб борилмоқда.

Суд департаменти туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари ходимлари томонидан содир этилган қонунга зид ҳаракатлар ва уларга нисбатан кўрилган чоралар ходимлар ўртасида муҳокама қилинмоқда. Хоҳлаган фуқаро биз билан ходимларимиз фаолияти юзасидан юзма-юз мулоқот қилиши мумкин. Бундан ташқари, Ички хавфсизлик инспекциясининг ишонч телефонлари ташкил қилинган.

Баҳодиржон ЮСУПОВ,
Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси бош инспектори

Олий қадрият

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, аввало халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улуғ мақсадлар мужассам.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан жамиятда инсон манфаатлари ҳимоясига доир аҳоли ўртасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳужжатдир" мавзуида ташкил этилган тадбирда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган халқаро ҳужжатнинг мазмун ва моҳиятини масъул ходимлар йиғилганларга атрофлича тушунтириб бердилар.

Шерзод ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

ФАРЗАНД ота-она қўлидаги беғубор мужда, унинг дили нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби, бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиш мумкин. Шунинг учун ота-она ва муаллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб, унинг дилига эзгулик сувратини солиб, қалбига яхшилик уруғини сепмоқлари лозим.

Бола ҳуқуқлари

Эзгулик нақши

миллат келажаги учун қилинган энг улуғ ва хайрли ишдир

ФАРЗАНДЛАРИ ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом юртнинг эртаси фаровон, келажаги буюк бўлади. Катта ёшдагиларнинг ҳуқуқларига қиёслаганда вояга етмаган болаларнинг ҳам маълум маънода қонун билан белгиланган ҳақ-ҳуқуқлари мавжуд. Улар Асосий Қонунимиз ва амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Агар халқаро ҳуқуқий меъёрларга назар соладиган бўлсак, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти болалар ҳуқуқлари ҳимоясини **"Фуқаролик ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"**ги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий халқаро пактлар ва бевосита болалар ҳуқуқларига бағишланган ҳужжат – 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги Конвенция ва Халқаро шартномалар асосида таъминлаб бермоқда.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва ўтказилган тадқиқотларнинг натижасида, вояга етмаганлар ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларида кўплаб муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, тиббий ва ижтимоий ёрдам олишда, таълим соҳасида, судларда мулкий ва мерос низоларини ҳал қилишда, болаларнинг алиментга бўлган ҳуқуқларида, вояга етмаганларга нисбатан жиноий-процессуал нормаларнинг нисбатан бузилиши ва бошқа масалаларга оидлигини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, эртамиз давомчилари бўлган келажак ворислари мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этади. Шу боис бола ҳуқуқлари, эркинликларининг қонуний ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш давлатимиз бош мақсадларидан биридир. 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги Қонун ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Ушбу қонуннинг амалий аҳамияти шундаки, у бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, ўз қадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш, жисмоний, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, бола шахси, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, шу жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, маълум сабабларга кўра ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш шароити, таълим-тарбия олишини ўз зиммасига олган. Масалан, 2008-2009 ўқув йилида кам таъминланган оилаларнинг 486.728 нафар фарзанди биринчи синф ўқувчиларига 5 миллиард 488 миллион 369 минг сўмлик ўқув анжомлари, 677.707 нафар болага 18 миллиард 50 миллион 601 минг 500 сўмлик кийим-кечак берилганлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 11 минг болага Президент совғалари топширилганлиги ана шундай хайрли ишлар намунасидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ва чора-тадбирлар натижасида, мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 19,8 фоизга камайди.

Бола ҳуқуқларига риоя этилишига эришиш, уларга нисбатан адолатли ёндашиш, давлат, жамият, ота-оналар, барча катта ёшдагилар томонидан ёрдам кўрсатилиб, болаларнинг ҳали қонунчилик ва кундалик ҳаётда ўз ўрнини топмаган ҳуқуқларини эътироф этишга ёрдам беради.

Диана АБДУРАҲМОНОВА,
Юнусобод тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

Бир шикоят шарҳи

Хат ортида инсон бор...

деган ақида яна қалам олишга ундади

ЎШАНДА 2004 йил якунига етаёзган кезлар эди. Олий тоифали врач-педиатр Акмал Қаюмов марказий нашрларни кўздан кечираркан, Президентимизнинг Ф-2005 сонли фармойиши билан танишди-ю, беихтиёр хурсанд бўлиб кетди. Мазкур Фармойиш унинг орзуларига гўёки қанот бағишлагандек бўлди. "Ҳа, бемор тузалишни истаса, табиб ўз оёғи билан келади, деганларидек, кўпдан режлаштириб юрганим – хусусий шифохона қуриш шу Фармойиш туфайли жадаллашиб кетадиган кўринади", дея хаёлидан ўтказди шифокор. Акмал ака шу тариқа енг шимариб ишга киришди. Дастлаб шифохона қуриш учун ҳар томонлама қулай жой ахтарди. Қарши шаҳридаги О.Турсунов кўчаси 17-уй ёнидаги ер майдони унга жуда маъқул тушди. Ҳам аҳоли гавжум, ҳам анчадан буён шаҳар кўркини бузиб турган бу ҳудуд замонавий шифохона қурилгач, файзу тароват касб этса, не ажаб...

ОРАДАН кўп ўтмай А.Қаюмовнинг бу ташаббуси Қарши шаҳар ҳокимлиги ва "Кунчиқар" маҳалла фуқаролар йиғини (О.Турсунов кўчаси шу маҳаллада жойлашган) томонидан қўллаб-қувватланди. Қарабсизки, Акмал аканинг таклифи Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан маъқулланиб, Қарши шаҳар Бош режасига киритилди. Барчаси ҳамирдан қил суғургандек осон кечаётганидан Акмал ака ўзида йўқ мамнун...Қурилиш ишларини бошлаш арафасида турганида жиддий қаршиликка дуч келди-ю, барча саъй-ҳаракатлари чиппакка чикди. Аниқроғи, Қашқадарё вилояти 1-сонли адвокатлар ҳайъати аъзолари А.Қаюмовга қонуний тартибда ажратилган 8,60 х 12,0 кв метрли ер майдони аслида 1998 йил 1 апрелда тузилган ижара шартномасига кўра адвокатлар ҳайъатига тегишли, дея туриб олдилар. Албатта, Акмал ака ҳам бўш келмади, ҳайъат аъзоларига барча ҳужжатларни тақдим этди. Хуллас, томонлар ўртасида тортишув авж олди. Айниқса, Қарши шаҳар ҳокимининг 2005 йил 20 апрелдаги х-240/4сонли қарори тутаб турган оловга мой сепгандек бўлди. Негаки, мазкур қарорда А.Қаюмовга О.Турсунов кўчасида шифохона қуришга рухсат этилганди-ю, аммо айнан қайси жойлиги аниқ кўрсатилмаганди. Сезиб турганингиздек, томонлар ўзаро бир тўхтамга келолмадилар. Шу аснода адвокатлар ҳайъати аъзолари фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судига Қарши шаҳар ҳокимлиги "Кунчиқар" МФЙ ва Акмал Қаюмовга нисбатан "Ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор ва МФЙ баённомасини ғайриқонуний деб топиш ва шифохона қуриш учун бошқа ер майдони ажратиш мажбуриятини юклаш тўғрисида"ги даъво ариза билан мурожаат этди. Ўз навбатида А.Қаюмов қарши даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, адвокатлар ҳайъатига нисбатан тегишли ер майдонида ноқонуний қурилган девор ҳамда сим тўсиқларни бузиб олиш, келгусида шу ер майдонида қурилиш қилишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўрайди. Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, адвокатлар ҳайъатининг даъво аризасини қаноатлантирмасдан қолдиради ва А.Қаюмовнинг қарши даъвосини тўла қаноатлантиради. Адвокатлар ҳайъати мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судига апелляция шикояти билан мурожаат қилади. Апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилади. Табиийки, Акмал аканинг шифохона қуришдек эзгу нияти бир четда қолиб кетди. У фуқаролик судларида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорлари ижроси таъминланишини кутиш билан чекланишга мажбур эди. Бу фақат айтишга осон. Орадан қарийб бир йил ўтса ҳамки, суд қарори, апелляция инстанцияси ажрими ижроси таъминланмади. Оқибатда А.Қаюмов фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судига ариза билан мурожаат қилиб, адвокатлар ҳайъатига тегишли иморат, дарвоза, сим тўсиқларни бузиб ташлаш ҳақида ажрим чиқариб беришни сўрайди. Суд томонидан мазкур ариза тўла қаноатлантирилади. Суднинг мазкур ажримига асосан А.Қаюмов ўзига тегишли ер майдонини тартибга келтириб, шифохона қурилишини бошлаб юбормоқчи эди... Бироқ яна тўсиқларга дуч келди. Бу тўсиқ ташкилотчилари Қашқадарё вилояти телевидениеси ёрдамида ўз ниятларига етмоқчи бўлишди чоғи, 2009 йил 9 апрелда "Очиқ мулоқот" кўрсатуви эфирга узатилди. Буни қарангки, кўрсатувда А.Қаюмов томонидан юқумли касалликлар шифохонаси қурилаётгани кескин танқид остига олинди.

Қизиқ, А.Қаюмов юқумли касалликлар шифохонаси қуриш тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган. Юқумли касалликлар унинг ихтисослигига тўғри келмайди. Бироқ "Очиқ мулоқот" кўрсатуви бундай маълумотни қаердан олди экан? Яна бир гап, агар Акмал Қаюмов шифохона қурилишини 2005 йилдаёқ бошлаганида, бу бино аллақачонлар фойдаланишга топширилган, унда не-не беморлар ўз дардига шифо топган бўлармиди? Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани барчамизга маълум. Ахир, А.Қаюмов тадбиркорлик йўли билан ҳам оиласи, ҳам эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш ўрнига турли идораларда ووораи сарсон юрганини қандай баҳолаш мумкин?!

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА: Очиғи, бу каби шикоятлар билан танишиш чоғида бир мулоҳаза кишини чуқур ўйга толдиради: "Шаҳар, борингки вилоят миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган кичик бир муаммони матбуотда ёритиш шартми? Майда маиший муаммолар ўрнига жамиятимиз, мамлакатимиз тараққиётига дахлдор масалалар хусусида ёзиш муҳимроқ эмасми?!" Бироқ хат ортида инсон бор, деган ақида яна қўлга қалам олишга ундайверади. Зотан, мамлакатимизда инсон манфаати — олий қадрият саналади.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

26 июнь – Халқаро норкотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишга қарши кураш куни

Умр кушандаси

У инсонни тирик мурдага айлантиради

ГИЁҲВАНДЛИК аср вабоси сифатида тез ва кенг миқёсда тарқалмоқда. Унинг жисмоний ва маънавий зарари тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар бериб борилмоқда.

АЙНИ ВАҚТДА дунё бўйича тахминан 180 миллион одам гиёҳвандликка мубтало бўлган. Бу дунёдаги жами аҳолининг уч фоизини ёки 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 4,7 фоизини ташкил этади.

Наркомания хатарли руҳий касаллик ҳисобланади. У инсонни аянчли аҳволга солиб қўяди. Марказий асаб тизимини кимё аралашмалари (марихуана, героин, кўкнори ва ҳоказолар) ёрдамида қўзғатиб, сархушлик ҳосил қилади. Натижада асаб тизимининг фаолияти бузилади.

Токсикомания – ўзини-ўзи руҳиятга таъсир қиладиган кимёвий моддалар билан заҳарлаш орқали ҳушдан кетиш хоҳишини келтириб чиқарувчи касаллик. Дастлаб атир, одекалон, лосьон кабилар токсикоманияни юзага келтирувчи моддалар ҳисобланган бўлса, бугунда хлорофосс, бензол сингари ўткир, жуда хавфли моддалар ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олмоқда.

Киши биринчи маротаба гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилганда кайфияти кўтарилади, ўзини ҳаммадан кучлидек ҳис қилади. Бундай ҳолат "эйфория", деб номланади. Ана шундай "юқори" кайфиятда юриш учун баъзилар гиёҳванд моддалардан қайта-қайта фойдаланади ва маълум бир вақт ўтиб, унинг асирига айланиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади.

Наркоманлар деярли овқат емайдилар, ичмайдилар, уйқуси бузилади, тез-тез чўчиб уйғонади. Озиб кетади, юзларига ажин тушади, териси сарғиш ранг тортади, тишлари чирийди. Бутун танаси қалтирайди ва ваҳима босади.

Наркоман вақти-вақти билан наркотик модда қабул қилиб турмаса, "абстиненция"га чалинади. Бундай ҳолатлардан қутилиш учун гиёҳвандлик моддасини яна қабул қилиш керак бўлади. Бунинг иложи бўлмаса, ўзини ўлдириш ёки оғир жиноятга қўл уриши мумкин. Наркомания касаллигининг охирги босқичида, аъзолар дарддан қутилиш кучидан ажралади. Кундан-кунга ҳолсизланиб, соғлиғи йўқолади. Меҳнат қилиш қобилиятидан бутунлай маҳрум бўлади, инсон тирик мурдага айланади.

Гиёҳвандлик муаммоси дунёдаги миллионлаб одамларга ташвиш келтиради. Сабаби, бангилар ўз қулфатларига оилалари, қариндош-уруғларини ҳам шерик қилади, зеро, саломатликлари, ўқиш, ишларидан айрилиб, оилалари барбод бўлади.

Гиёҳвандликни даволаш ва бу йўлга киришнинг олдини олиш орқали инсоният жиноятчилик, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши ёки оилаларнинг бузилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Тўлғаной МАВЛОНОВА,
шифокор

Осойишталик ҳар нарсадан улуғ

ҲАЁТДА инсон учун тинчлик, осойишталикдан кўра улуғроқ неъмат бўлмаса керак. Шукрки, бугун ҳар бир юртдошимиз ана шу олий неъматдан баҳраманд ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

АЛБАТТА, осуда ҳаёт ҳукмрон бўлган ерда тараққиёт ҳам шунга яраша бардавом. Аммо мамлакатимиздаги барқарорликни кўролмаётган айрим ғараз ниятли кучлар муқаддас ва инсонпарвар динимизни ниқоб қилиб олган ҳолда вазиятни издан чиқаришга уринмоқдалар. Бироқ улар чучварани ҳом санаётганларини англаб етишмаяпти.

Охунбобоев туманидаги "Ғиштмон" қишлоқ фуқаролар йиғинида ушбу мавзуга бағишланган йиғилишда ана шулар хусусида сўз борди.

Тадбир туман прокуратураси, хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлими, "Маҳалла" жамғармаси ва уламолар кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Робахон АБДУРАСУЛОВА,
Охунбобев тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Виждон эркинлиги

АНДИЖОН вилояти адлия бошқармаси томонидан Олтинкўл тумани Маданият саройида "Диний экстремизмнинг олдини олиш — аҳоли фаровонлиги гаровидир" мавзуида семинар ўтказилди.

СЕМИНАРДА Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлиги масалаларига жиддий эътибор қаратилганлиги алоҳида таъкидланди. Унда халқимиз руҳига ва менталитетига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби фазилатлар ўз аксини топган.

Тадбирда **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, диний экстремизм ва унинг олдини олиш чораларига бағишланган маърузалар тингланди.

Гулбаҳор ҚЎЧҚОРОВА,
Олтинкўл тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

Қутлуғ санага бағишланди

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрам тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 10 июндаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мазкур санага бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастури 2009 йил 1 сентябрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар халқ сайиллари эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонларида ўтказилади.

АДЛИЯ вазирлигида ушбу қутлуғ сана олдидан қизиқарли мулоқот бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи ва публицист, Ўзбекистон санъат арбоби, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ аъзоси Абдуқаҳҳор Иброҳимов байрам тантаналарини нишонлашга оид тайёргарлик ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу қутлуғ байрамга халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда. Буни бўлажак шодиёналарда 50 дан зиёд давлатдан меҳмонлар қатнашиш истагини билдираётганида ҳам яққол кўриш мумкин, дея таъкидлади А.Иброҳимов қадим Тошкентнинг тарихи, унинг илм-фан, маданият ўчоқларидан бири бўлганлиги ҳақида фикр юритиб, кўплаб ёрқин мисоллар келтирди. Мустақиллик туфайли кундан-кун чирой очиб бораётган азим пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари хусусида тўхталди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри республикамизнинг илм-фан ва маданият маркази бўлиб, дунёнинг нуфузли шаҳарлари қаторида ўз мавқеига эга эканлигини сўзлаб беради.

Бу қутлуғ сананинг тантанали нишонланиши халқимизни янада жипслаштиришга, ўзаро яқинлик туйғусини мустаҳкамлашга, ягона миллат туйғусини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Тўлқин ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"

Аҳоли эҳтиёжи

изчил қондирилмоқда

ТАРИХИЙ манбалардан бизга маълумки, халқимиз азал-азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, ўзлари яшаётган қишлоқларни ободонлаштиришга катта эътибор бериб келганлар.

АФСУСКИ, шўролар даврида қишлоқда истиқомат қиладиган аҳоли, заҳматкаш деҳқонларимиз оғир меҳнатлари эвазига яратган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари "марказ" томонидан арзон нархларда сотиб олинар, қишлоқ меҳнаткашларининг косаси оқармасди. Айниқса, шўро тузумининг сўнгги йилларида бу борадаги аҳвол чидаб бўлмайдиган даражага етган, қишлоқ фуқароларининг турмуш шароитлари аянчли аҳволга келиб фуқароларининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини оширишга, қишлоқ ёшларининг таълим олишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиб беришга, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга, табиий газга бўлган эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор қаратмоқда. Шунингдек, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва реал даромадларини ошириш мақсадида уларга шахсий томорқа ажратиб берилди ва чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан 1998 йил 10 ноябрда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"**ги Фармонида назарда тутилган вазифалар бажарилиши натижасида юртимиз қишлоқларида замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Натижада аҳолининг тиббий маданиятини, касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш самарадорлигини оширишга эришилди.

Мамлакатимизда таълим, спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ёшларнинг таълим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда. Жорий йил бошидан буён ишга туширилган 149 та касб-ҳунар коллежи, 634 та умумтаълим мактаби, 184 та болалар спорти объектларининг аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш, унинг кўламини кенгайтиришга доимий эътибор берилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш натижасида минглаб савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шохобчалари ташкил этилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига банк хизмати кўрсатиш, фуқароларга микро кредит ва истеъмол кредитларини бериш, ерларнинг фермерларга топширилиши ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан эътибор ва ташаббус кўрсатилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, 2008 йил мамлакатимиз деҳқонлари учун мураккаб келишига қарамай, ғаллакорларимиз 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этишга эришдилар.

Бугун қай бир фермер ва деҳқон билан суҳбатда бўлманг, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида эришилаётган марралар замирида, аввало, соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар мужассамлигини эътироф этадилар. Энг асосийси, халқимиз ризқ-рўзи манбаи бўлган ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани, тубдан ўзгараётган қишлоқ тараққиётида юксак марралар сари қадам ташлашга омил бўлмоқда.

Азамат БОБОҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

Қулайлик

Юртимиз бозорлари

ривожланиш сари юз тутмоқда

"ҚИШЛОҚ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг амалдаги ижроси туфайли юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам шаҳарлардан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, қишлоқ аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

ЯҚИНДА Наманган туманининг Ғирвон қишлоғида тадбиркор ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати билан икки гектарли замонавий "Ғирвон буюм бозори" ишга тушди. Бу ерда 1 миллиард 243 миллион сўм маблағ эвазига 150 та турғун савдо шохобчаси ва 350 та раста ташкил этилди. Энг муҳими, сотувчи ва харидорлар бу ишдан беҳад мамнун.

— Шубҳасиз, бозорларимизнинг гуллаб-яшнашида солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатлари муҳим омил бўлаётир, дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи Акмал Каримжонов. — Одатда, бозорлар патта тўлови ва бошқа (уларнинг ҳудудида жойлашган ва тасарруфида бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, сотувчиларга ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатишдан, бозор маъмурияти томонидан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид ва реализация қилишдан олинган) тушумлар орқали даромад қилади. Патта тўловларининг миқдорини эса маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари белгилайди. Амалдаги Солиқ кодексида сотувчилар ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатилганлиги, ер майдонлари, бинолар, иншоотлар ҳамда молмулк юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганлиги, бозорлар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар учун ҳақ шартнома асосида ундирилиши белгиланган. Бунда ер участкалари учун ижара ҳақининг суммаси юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкасидан кам ва миқдори уч баравардан кўп бўлмаслиги керак.

Шунингдек, бозор даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар чегирма ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи улар жойлашган ҳудуддаги тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилади. Даромаднинг қолган 50 фоизи эса бозор маъмурияти тасарруфида қолади. Бу маблағлар, шубҳасиз, жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун сарф қилиниши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги имкониятлар туфайли вилоятимиз бозорлари ободлашиб бормоқда. Масалан, кейинги йилларда Наманган шаҳридаги "Жаҳон буюм бозори", "Чорсу деҳқон бозори", "Сардоба" ва туманлардаги бозорларда савдо-сотиқ қилиш учун замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси

Баркамол авлод

Имкониятимиз чексиз

Мақсадимиз олий

МАМЛАКАТИМИЗДА ёшларнинг баркамол ва ҳар томонлама соғлом вояга етиши учун кенг имкониятлар яратилган. Давлатимизда ёшлар ўз билим салоҳиятларини ошириши, истаган мутахассислиги бўйича таълим олиши, эркин касб танлаши, хуллас, уларнинг барча ҳуқуқлари Бош қомусимиз ва амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

ШУНИНГДЕК, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўз қобилиятларини намоён этишларига имкон яратувчи бир қанча кўрик-танловлар, давлат мукофотлари таъсис этилган. Шу жумладан, яқинда Гулистон шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақасида тенгдошларимиз спортнинг бир нечта турлари бўйича иштирок этиб, спорт соҳасидаги иқтидорларини намоён этишди. ҳар йили ўтказиладиган "Зулфия" ҳамда "Ниҳол" мукофоти танловлари ҳар томонлама билимли, шижоатли, интилувчан ёшларимизни кашф қилиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммаси биз — Ўзбекистон ёшларига ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар чексизлигидан далолатдир. Менинг фикримча, ана шу имкониятлардан фойдаланиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ўспирин ўз сиёсий онгини, дунёқарашини бойитиб бориши лозим. Ана шундагина биз Ватаннинг фидойи фарзандлари бўламиз.

Шоҳруҳ АБРОРОВ,
Тошкент Юридик коллежи талабаси

Муаммо

Ташқи меҳнат миграцияси

Халқаро меъёрлар асосида

МИГРАЦИЯ қадимдан мавжуд жараён. Халқаро меҳнат Ташкилоти 1939 йилнинг ўзида меҳнат мигрантлари тўғрисида Конвенция қабул қилди. Кейинчалик, бу соҳада бир қатор халқаро конвенциялар ҳам тасдиқланди. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида кундан-кунга изчил ривожланиб бораётган ташқи меҳнат миграциясининг ўрни ва аҳамияти ўсиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҳам мазкур соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ташқи меҳнат миграцияси кучайиши натижасида йилдан йилга хорижий давлатларга ишлашга кетаётган фуқаролар сони кўпайиб бормоқда. Бунда, бир томондан, аксарият ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти четдан келган ишчи кучини жалб этишга боғлиқлиги маълум аҳамиятга эга. Иккинчидан, Канада, Австралия, АҚШ каби анъанавий равишда меҳнат мигрантларини жалб қилётган мамлакатлар қаторига XXI аср бошига келиб, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқнинг баъзи мамлакатлари ҳам қўшилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ташқи меҳнат миграциясининг ривожланиши келажакда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучининг эркин алмашуви суръатларини тезлаштиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошқа тармоқлар қаторида ташқи меҳнат миграциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграллашуви аҳолига хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда ишга жойлашиши ва чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик зиммасига юклатилди.

Ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорларини чуқур ўрганиш, иқтисодиётнинг хориждан ишчи кучини жалб этишга манфаатдор соҳаларини таҳлил қилиш ва хорижий меҳнат бозорларида ишчи кучига эҳтиёжни аниқлаш республикамиз фуқароларини хорижда ишга жойлаштиришда муҳим масала ҳисобланади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик томонидан бу йўналишда бошқа тегишли ташкилотлар, жумладан, Ташқи ишлар вазирлиги, Хорижий мамлакатларга ишлаш учун номзодларни танлаш бўйича муассасаларо комиссия билан ҳамкорликда самарали иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ноқонуний миграция ва одам савдосининг олдини олиш, хорижга чиқишни тартибга солиш бўйича изчил фаолият йўлга қўйилган. Оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича маълумотлар берилмоқда. Агентликда **"Ишонч телефони"** йўлга қўйилди, у орқали фуқароларга ташқи меҳнат миграцияси бўйича тўлиқ ахборот берилади. Кишиларни "хорижга ишга юбораман" деб қуруқ ваъдалар бериб, уларни қуллик ва хўрликка бошловчи даъватларнинг олдини олиш мақсадида зарур ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ишчи кучи алмашиш борасида самарали тизим яратилди. Бу тажриба алоҳида эътиборга лойиқ. Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари томонидан мамлакатимиз фуқароларини меҳнатга жалб этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бунда ҳуқуқий асос бўлиб, икки мамлакатнинг тегишли ташкилотлари томонидан имзоланган шартномалар хизмат қилади.

Ихтиёр МАТМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

Миқёсли муаммо

ОДАМ савдоси дунёни ташвишга солаётган жиддий муаммо. Мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш, юртдошларимизнинг фирибгарлик тузоғига илиниб қолишларига йўл қўймаслик, одам савдоси туфайли жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

ХАТИРЧИ туманидаги "Агроиқтисодиёт" коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда мазкур иллатга қарши курашишда мутасадди идоралар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш, ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

А.ТОШЕВ,
Хатирчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Оила — муқаддас кўрғон

ОИЛАНИНГ аҳамияти, жамиятдаги ўрнини алломалар фикрлари билан исботлашга, миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, тарбия маданиятининг нечоғлик юксаклигини изоҳлашга, тушунтиришга ҳар бир йиғинда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлар Мирзачўл туманининг "Мустақиллик", "Дўстлик", "Ипак йўли", "Янги дала" каби ҚФЙларида ташкил этилди. Унда буюк маърифатпарварларимиз Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий асарларидаги оилага бўлган эҳтиром намунаси ҳақида баҳс-мунозара юритилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлими, туман нотариал идораси, ИИБ бўлими билан ҳамкорликда бу каби тадбирлар ўтказишдан мақсад, оилалардаги ажралишлар сонини камайтириш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказишни таъминлашдан иборатдир.

Шоира ҚИЛИЧЕВА,
Мирзачўл тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум бўйича Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, прокуратураси, жиноят ишлари бўйича суди, хўжалик суди фаолияти асосида тайёрланди

Жараён

Ҳамкорлик асосидаги фаолият

ўз самарасини бермоқда

МАЪЛУМКИ, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан борар экан, аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг асосий масала ҳисобланади. Шу боис, кейинги йилларда аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни янада юксалтиришга қаратилган кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирларда жамият аъзоларининг яшаш тарзи, фаровонлигини таъминлаш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва таълим-тарбиясини кучайтириш, аҳолининг ҳар жиҳатдан ҳуқуқий ва маънавий етуклигини оширишга қаратилган тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда.

ҚОЛАВЕРСА, бу масала бугунги давр талаби бўлиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, мазкур масала кенг қамровли мазмун-моҳиятга эга бўлиб, ўз навбатида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатнинг қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда эса Адлия вазирлиги билан Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда ушбу ҳамкорлик ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида жамиятда юз бераётган ислоҳотлардан фуқароларни хабардор қилиш, адолатли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилишида муҳим бўлган қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳар бир кишида қонунларга итоат қилиш ва уларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш каби вазифалар олиб борилаётган тадбирларнинг асосий йуналиши ҳисобланади. Хусусан, ўтган 2008 йил давомида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари, шаҳар хўжалик суди, прокуратураси, ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда 55 дан ортиқ оғзаки ҳуқуқий тарғибот, 32 та семинар, 1 та илмий-амалий конференция, 20 та оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлса, 2009 йилнинг 1-чорагида 15 та оғзаки ҳуқуқий тарғибот, 6 та семинар, 4 та илмий-амалий конференция, 16 та оммавий ахборот воситалари орқали тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар, маҳаллаларда **"Бола ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида"**ги Қонуннинг мақсад ва вазифалари, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилишга оид ҳужжатлар борасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш мақсадида "Талабалар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш-бош мақсадимиз" мавзуида семинар-форум, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойишига мувофиқ Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Қарорини тадбиркорлар орасида кенгроқ тушунтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, пойтахтнинг С.Раҳимов туманидаги "Гузарбоши" маҳалласида "Одам савдосига қарши кураш" мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ўзини ўзи бошқариш органларинг вакиллари иштирок этишди.

Шунингдек, ўтказилаётган тадбирларнинг салмоғи ва сифати оширилиб унда асосий эътибор инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

Мазкур тадбирларда аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда ҳуқуқий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада ошириш чора-тадбирлари, мақсадларга эришишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш муҳим масала ҳисобланади.

Зеро, ҳуқуқий маданият — бу фуқароларнинг қонунларни билишнигина эмас, балки энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш зарурлигини белгилайдиган, жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қиладиган мезондир.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 2 апрелдаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори барча мутасадди ташкилот ва идоралар қатори пойтахт прокуратураси органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади. Буни ушбу Қарор ҳамда "Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз корхоналарни тугатиш, таркибий ўзгариш худудий дастури"нинг бажарилиши юзасидан ҳукумат комиссияси талаблари ижросини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ижро ва назорат

Инсон манфаатлари

муҳофазаси — устувор вазифа

ИШЧИ ГУРУҲ томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш савдо шохобчаларида ноқонуний ишлаётган 5029 нафар фуқаронинг иш фаолияти қонунийлаштирилди. Бу билан ана шу фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган бўлса, иккинчи тарафдан, уларни солиққа тортиш тартиби жорий этилди. Яъни, улар учун меҳнат дафтарчалари очилиб, меҳнат стажи ҳисобланади, касаллик варақаси бўйича тўловлар берилади, пенсия таъминоти ва касаба уюшмаси ҳимояси кафолатланади. Шу билан бирга улар даромад ва пенсия солиғи каби мажбурий тўловларни тўлаб борадилар.

Жорий йилда ҳам ишчи гуруҳ томонидан шаҳримизда фаолият кўрсатаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ноқонуний ишлаётган 7750 нафар фуқароларнинг меҳнати қонунийлаштирилди.

2008 йилнинг 17 апрелида **"Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"**ги Қонун ва мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу жиноятчиликка қарши курашнинг кучайтирилиши натижасида республикамизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аниқланишининг самарадорлиги ортиб бормоқда.

Масалан, 2008 йилда Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 80 нафар шахсга нисбатан 64 та одам савдоси билан боғлиқ жиноят иши қўзғатилган. Аниқланишича, одам савдоси билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар оқибатида жабрланганларнинг 52 нафарини эркаклар, 47 нафарини аёллар, 24 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг энг самарали йўли аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат. Шу боис, бу борада кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Авваламбор, аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш борасида муҳим тадбирлар белгиланиб, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Ишчи гуруҳи ташаббуси билан 2008 йил 27 июнда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг 9-10 июль кунлари пойтахтимизнинг "Бобур" номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ўтказилган эди. Тадбирда 20 мингдан зиёд фуқаролар иштирок этиб, уларнинг 6107 нафари иш билан таъминланди.

Ушбу тадбирларнинг доимийлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилнинг 23-24 сентябрь кунлари ҳам шаҳримизнинг барча туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, 12 мингдан ортиқ фуқаролар-нинг 2424 нафари ишга жойлаштирилган.

Жорий йилнинг 25-26 март кунлари шаҳримизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қуролли кучлар сафидан бўшатилган ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли, ишлашни хоҳловчи фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур ярмаркада пойтахтимизнинг 25827 нафар вақтинча ишсиз, меҳнатга лаёқатли фуқаролари қатнашди. Шунингдек, ярмаркага 22850 нафар касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари жалб этилиб, улар ўзлари танлаган ихтисослик бўйича бўш иш ўринлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Меҳнат ярмаркасида иштирок этган 25827 нафар фуқаролардан 12561 нафари иш билан таъминланди.

Пойтахт прокуратура органлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қонунлар ижросини амалга ошириш ва қонун устуворлигини таъминлашда энг муҳим бўғинлардан бирига айланди. Шу ўринда фаолиятимизни яна бир бор таҳлил қилиб, ҳали олдинда амалга оширилиши зарур бўлган кўплаб вазифалар борлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорлик қилиш эса фаолиятимизнинг бош мезонидир.

Комил ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Суратларда: "Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда маҳалла оқсоқолларининг ўрни", "Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш", "Одам савдоси — аср муаммоси", "Соғлом оила қурамиз" мавзуларида Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Учтепа тумани прокуратураси, ИИБ, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.

Қонунлар таянчи

ривожланишнинг асосий кафолатлари

БУГУНГИ кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати ўзининг ривожланиш босқичига қадам қўйди. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига амал қилишнинг натижасида мамлакатимизда бу соҳада қулай ишчанлик муҳити яратилди.

"ТАДБИРКОРЛИК фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида"ги, **"Хусусий корхоналар тўғрисида"**ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"**ги, **"Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонлари юртимизда тадбиркорликни янада кенг тараққий этишига асос бўлмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали амалга оширилишини белгилаб берди. Бу эса назорат қилувчи идоралар ва унинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз, баъзан нохолис, адолатсиз таъсир чоралари қўлланишига чек қўйди.

2009 йилнинг биринчи чорагида шаҳар хўжалик судида ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан назорат қилувчи органлар томонидан киритилган 1391 та ариза кўриб чиқилди. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тўғрисидаги 659 та, банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида 22 та, молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида 148 та аризалар қаноатлантирилди. Масалан, Миробод тумани ДСИ хўжалик судига мурожаат этиб, "Анюта" МЧЖга нисбатан Солиқ Кодексининг 114-моддасига асосан, кирим қилинмаган товар моддий бойликлари миқдорида жарима қўлланишини сўраган. Ушбу иш бўйича тегишли идоралар томонидан ўтказилган ўрганишлар натитижасига кўра, жавобгардан олиб қўйилган товар моддий бойликлари, тегишли тартибда савдо растасида кирим қилинганлиги аниқланиб, мазкур ҳолатда жиноят аломатлари йўқлиги сабабли, 2008 йилда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шунга қарамасдан, солиқ инспекцияси "Анюта" МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида судга ариза киритган. Бундай ҳолатлар эса тадбиркорлик субъектларининг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилишига ва уларнинг вақтларини бекор ўтказиб, суд идораларида оворай-сарсон бўлишларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур Фармоннинг 3-бандида давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки мансабдор шахслари қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг, бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлиги белгиланган.

Хўжалик суди томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўриш жараёнида мамлакатимизда бу борада мавжуд қонунларга асосланиб, қонунбузарликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишлича жиноий, маъмурий, моддий ва интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳамкорлигида, мавжуд қонунлар, қарорлар, Президент Фармонлари талабларини аҳолига тушунтириш ва тарғиб қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Зотан, бозор муносабатига асосланган жамиятда қонунларни амалиётда қўллаш ва тўғри татбиқ этиш орқали тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш баробарида, иқтисодиёт барқарорлашувига ҳам эришилади.

Козимжон КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси

Одам савдоси — давр муаммоси

Келинини сотган қайнона

ИНСОН ҳуқуқлари ва эркинликларининг дахлсизлиги давлатимиз Асосий қомусимиз ҳамда қонуности меъёрий ҳужжатларида кафолатланган.

ЖУМЛАДАН, Конституциянинг 13-моддасида **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"**, деб белгилаб қўйилган. Лекин инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий тамойилга айланган бир пайтда "Одам савдоси" жиноятларни оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳалқаро хавф ўзининг чегара билмаслиги билан жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.

Мамлакатимизда ушбу мудҳиш иллатга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган.

2008 йил 17 апрелда **"Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"**ги Қонун, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилиниб, ушбу жиноятчиликка қарши курашда муҳим вазифалар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, одам савдоси билан боғлиқ жиноий ишлар суд жараёнида ўрганилар экан, бу жирканч иллат натижасида инсон қадри, шаъни, эрки ва ҳуқуқлари разил кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли поймол этилганлигининг шоҳиди бўламиз. Масалан, 2008 йилнинг август ойида Бувнар Саитмуродова ўғли Иброҳимни ҳали вояга етмаган, 16 ёшли Дилафрўз Назаровага уйлантиради. Иброҳим келиндан 9 ёш катта. Дилафрўз ҳали ҳаётнинг пасту баландди, каму кўсти, оғир-енгилини у қадар билмайди. Иброҳим эса унга ҳаёт йўлида кўмакдош бўлиш ўрнига арзимаган гапдан жанжал чиқариб, хотинини уришга одатланади. Бундай муносабатлардан эсанкираб қолган Дилафрўз ҳар гал жанжалдан сўнг ота уйига кетиб қолар ва иложини топса бу хонадонга қайтмасликка ҳаракат қиларди. Ўғил ва келини ўртасидаги жанжаллардан безиган қайнона эса нима қилишини билмай боши қотиб, бу ҳақда жияни Дилобар Қўлдошевага дарду ҳол қилади. Дилобар жияни Иброҳим ва келининг бир-бирига бўлган муносабатига қизиқади. Қайнона ўғли ва келининг уриш-жанжалларидан безганини, нима қилиб бўлсада, уларнинг бундай яшашларига чек қўйиш кераклигини айтганда, Д.Қўлдошева келинни Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиб, мўмай пул топиш мумкинлигини маслаҳат беради. Бу таклиф тўй қиламан, деб катта сарф-харажатга тушган ва қарзларини уза олмаётган қайнонага ёқиб тушди. Шу кундан бошлаб қайнона ўғлини авраб, келинини сотиб, эвазига мўмай пулни қўлга киритиш пайига тушиб қолади. Бувнар опа жияни Дилобар билан ўзаро тил бириктириб, келинини алдаб, унга дастлаб Россия Федерациясига, сўнг Малайзияга ишга жўнатишларини, у ерда турар жой, яхши иш ва катта маош тўлашларини, йўл харажатларини эса ўзлари тўлашларини айтади. Келин ҳомийларининг "жонкуярлиги" ҳақида ўйларкан, қайнонам ва қариндошларимиз "менга ёмонлик раво кўришмас", дея рози бўлади. Шундан сўнг ҳали фуқаролик паспортини олиб улгурмаган Дилафрўзга турмуш ўртоғи Иброҳимнинг ёрдами билан фуқаролик паспорти расмийлаштирилди. Д.Қўлдошеванинг шериклaридан бири Марҳабо Музаффарова Д.Назаровага тегишли бўлган фуқаролик паспортига йўл харажатларини расмийлаштиришини ваъда қилиб, паспортини эгаллаб олади. Дилафрўз эса бу тезкор ҳаракатлардан кўнглида пайдо бўлган кўрқувни турмуш ўртоғи Иброҳимга тўкиб солади. Иброҳим хотинини юпатаркан, тўй харажатларига кетган пулларни хотинини чет давлатига жўнатиш эвазига қоплаш мақсадида, М.Музаффарова билан ўзаро тил бириктирганлигини яшириб, уни ҳеч ким сотиб юборманслигини, ҳақиқатан ҳам Малайзияга ишга кетишини айтиб тинчлантиради.

2008 йил 12 ноябрь куни Д.Назарованинг йўл харажатлари расмийлаштирилгач, М.Музаффарова шериклари орқали Дилафрўзни Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрига Абдусалом Ғаниев деган шахснинг олдига жўнатади. Д.Назарова Бишкек шаҳрига келгач, ўзини чет давлатига фоҳишалик қилиш учун юборилаётганлигини пайқаб қолади. Ваҳимага тушиб, Ўзбекистонга қайтиб кетишини айтганида А.Ғаниев уни "ўлдираман" деб қўрқитиб, у билан бирга келган ўн нафар қизларни Бирлашган Араб Амирлигига жўнатиб юборади. Қизларни БААда одам савдоси билан шуғулланаётган гуруҳнинг яна бир аъзоси, Хурсанд Аҳадов кутиб олади. Х.Аҳадов ҳимоясиз қизларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этишга уринади. Лекин Дилафрўз бундай қисматга кўнмайди, Х.Аҳадов эса мажбурлов натижа бермаётганидан ғазабланиб, уни қамаб қўяди. Дилафрўз чорасиз, тутқунликда беш кун ўтиради. Бешинчи кечаси у билан бирга келган қизлар ичиб, маст ҳолатда Дилафрўз турган хонага кириб келади. Шундай қулай пайтдан фойдаланган асира, ухлаб қолган қизлардан калитни олиб, ташқарига қочиб чиқишга улгуради.

Бегона юртда бир амаллаб Ўзбекистон элчихонасини топиб, мурожаат этади. Д.Назарова "Шарқ-Ўзбекистон" йўналиши бўйича юртига кириб келаркан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларни бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилади.

Албатта, жиноятга жазо муқаррар. Одам савдоси жинояти билан шуғулланган Дилобар Қўлдошева ва Бувнар Саитмуродовалар Жиноят Кодексида белгиланган тартибга асосан, суд ҳукми билан саккиз йилга, Д.Назарованинг турмуш ўртоғи муқаддам икки маротаба судланган Саитмуродов Иброҳим эса тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилди.

Дилафрўз ҳам бировнинг фарзанди эди. Унга нисбатан бундай қабиҳ жиноятни содир этган Д.Қўлдошева, Б.Саитмуродова ва И.Саитмуродовлар қилмишига яраша жазо олди. Лекин ҳали ҳаётнинг қувончи, ташвиши нима эканлигини тушуниб етмаган, Дилафрўзнинг кейинги тақдири қандай кечади?! Тўй харажатлари учун олинган қарзларни тўлаш наҳот келиннинг гарданида бўлса? Инсон қисматини савдолашиб, унинг устидан мўмай даромад олишни ўйлаётган кимсаларнинг ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Воҳиджон ШАРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари

Саҳифа материалларини газета мухбири Гулсумхон ШОДИЕВА тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент Давлат юридик институти 2009-2010 ўқув йилида ўқишга кириш учун абитуриентларни қабул қилади: Юриспруденция бўйича "Бакалавр" таълим йўналишига

Жами	Шу жумладан	
	Грант	Контракт
450	125	325

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Таълим муассасаси ректори номига ариза;
2. Ўрта ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли;
3. 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. Паспорт нусхаси;
5. 3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
6. Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.
7. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар махсус бланкада ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасининг аслини тақдим этади;
8. Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Магистратура мутахассисликларига

	Мутахассислик номи	Шу жумладан		
		жами	грант	контракт
1.	Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи	12	2	10
2.	Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи	12	2	10
3.	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ	14	2	12
4.	Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик процесси	14	2	12
5.	Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи	12	2	10
6.	Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи, экология ҳуқуқи	12	2	10
7.	Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жазони ижро этиш ҳуқуқи	12	2	10
8.	Жиноят процесси, криминалистика ва тезкор қидирув; суд экспертизаси	12	2	10
9.	Халқаро ҳуқуқ	12	2	10
10.	Суд тизими; прокурор назорати; адвокатура	12	2	10
	ЖАМИ:	**124**	**20**	**104**

Магистратурага кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Таълим муассасаси ректори номига ариза;
2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
3. 086/У-шаклидаги тиббий маълумотнома;
4. 3,5х4,5 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
5. Магистратурага кирувчилар паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар.

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Қабул комиссияси манзили: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси, Тошкент Давлат юридик институти Талабалар турар жойи биноси.

Мурожаат учун телефонлар: 246-34-96, 246-23-36

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Зангиота тумани 1-сон, Тошкент тумани 1-сон, Ўртачирчиқ тумани давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимларига;

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03

"Асака" банк ОАЖ жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан журналистларни қутлайди. Холис фикр, ҳаққоний таҳлил, сўз залвори матбуотнинг юзидир. Уларнинг Ватанимиз шаъни, халқ манфаатларини ҳимоя қилишида, кенг ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси бўлишдек улкан ижодий ишларида муваффақият тилайди.

Банк ва мижоз

Сифатли банк хизмати

ишонч ортиши кафолати

БАНК ТОМОНИДАН узоқ муддатли (1 йил муддатдан ортиқ) "БОЛАЖОН" (болалар учун омонат) тури жорий этилган бўлиб, сақланиш муддати 1 йилдан юқори, омонат бўйича йиллик 22 фоиз ҳисобланади.

БАНК ТОМОНИДАН 1 йилдан ортиқ муддатдаги аҳоли омонатлари бўйича "ОРЗУ" омонат тури жорий этилган бўлиб, сақланиш муддати – 3 йил, омонат бўйича йиллик 18 фоиз ҳисобланади. Қўшимча 3 фоиз миқдорида бонус ҳисобланади (жами ҳисобланган фоиз 21 фоиз).

Банк Бош офисида "Ишонч телефонлари" ташкил этилган бўлиб, филиалларда тўловларни ва омонатларни ўз вақтида бериб бориш бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг қарорлари талабларидан келиб чиқиб, "Асака" банкда фуқароларга миллий ва чет эл валютасида омонат ҳисоб-варақларини уларнинг биринчи талабига кўра, ҳеч қандай чекловларсиз, шунингдек пул маблағларини келиб чиқиш манбаларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилмасдан очилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли омонатлари:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- миқдори чекланмаган.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 октябрдаги 991-ПҚ-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, "Асака" банки 2009 йил январь ойида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича ўтказилган танловда барча номинациялар бўйича иштирок этди ва унинг якунига кўра, "Чет эл валютасидаги энг яхши муддатли депозит" номинацияси бўйича саклаш муддати 6 ойлик, йиллик 12 фоизли "Люкс-2" омонат энг яхши омонат тури, деб топилди.

ДАТ "Асака" банки 2010 йил январь ойида йил якунлари бўйича банклар ўртасида ўтказилаётган танловда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича барча номинацияларда қатнашади.

Фуқароларнинг омонатларини ҳимоялашни кафолатлаш мақсадида ва аҳолининг келгусида банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш учун "Асака" банкда аҳолининг банк депозитларидаги омонатлари миқдоридан қатъи назар, тўлиқ қайтарилишини таъминлаш юзасидан Юртбошимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги **"Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида белгилаб берилган барча чора-тадбирлар кўрилган.

Банк омонатига қўйилган барча пул маблағлари омонатчиларнинг биринчи талабига кўра ўз муддатида ва тўлиқ миқдорда берилади.

Омонатчиларнинг буюртмасига асосан, омонатчиларга қўшимча хизматлар кўрсатиш учун накд пулсиз шаклда бир чет эл валютасини бошка чет эл валютасига алмаштириш орқали "Мультивалюта"даги омонат тури май ойида жорий қилинди.

Ушбу омонат тури омонатчининг омонат жамғармасини бир валютадан бошқа турдаги валютага конвертация қилиш имконини беради, яъни (АҚШ долларида, еврода, фунт-стерлинг) омонат юқорида кўрсатилган хорижий валюталардан бирига очилади ва омонатчиларга қўшимча хизмат турлари сифатида юқоридаги хорижий валюталарни накдсиз кўринишда алмаштириб беради, сақланиш муддати 6 ой, омонат бўйича йиллик 6 фоиз ҳисобланади.

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги **"Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорининг 20-бандига асосан 2009 йилнинг 15-16 май кунлари Банклар Ассоциациясида "Омонатлар ва кредитлар"га доир кўргазма семинарлар ўтказилди. Кўргазма семинарларда аҳоли ва тадбиркорларга банк хизмат турлари тўғрисида маълумотлар берилди ва келгусида аҳолига сифатли банк хизмат турларини етказиш мақсадида, кўргазма семинарларни режа-графикка асосан барча вилоятларда ўтказиш режалаштирилган.

"Асака" банкка қўйилган омонатлар фойдали ва ишончлидир

Барча тижорат банклари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини омонат ва депозитларга жалб қилиш орқали иктисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Бу борада "Асака" банк томонидан аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фойдали шартлар асосида депозит ҳисоб-варақларига хизмат кўрсатишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда "Асака" банкда 40 дан ортиқ омонат турлари мавжуд бўлиб, шундан 25 таси миллий ва 19 таси чет эл валютасида.

Ҳозирги кунда Банк томонидан миллий валютадаги «МАҚСАД» омонат тури жорий этилган бўлиб, сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 26 фоиз ва кўшимча 4 фоиз бонус ҳисобланади.

2009 йилнинг 1 июнь ҳолатига жами омонатларнинг 90 фоизи муддатли омонатлар қолдиғини ташкил этган бўлса, 10 фоизини талаб қилиб олгунча омонатлар қолдиғи ташкил этади.

Илова 1



2009 йилнинг 1 июнь ҳолатига жами омонатларнинг 61 фоизи миллий валютадаги омонатларни ташкил этган бўлса, 39 фоизини хорижий валютадаги омонат ташкил этади.

Илова 2



Назорат

Ижро ва интизом

бор жойда қонунбузарликларнинг олди олинади

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари, хусусан, "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси устидан доимий прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ФАРМОННИНГ ердан мақсадли ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги талаби ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда ер майдонларини ноқонуний эгаллаб олиш ва талон-торож қилиш каби ҳолатлар аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Ўтказилган 24 та мониторинг ва текширишлар натижасига кўра, ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 4 та протест келтирилиб, қонуннинг бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 22 та тақдимнома киритилган, 545 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Мирзачўл туманида ўтказилган мониторингда, тумандаги "Мирзачўл" СФУ ҳудудида жойлашган "Мирзачўл маржони" фермер хўжалиги раҳбари С.Тўраев фермер хўжалигига қарашли бўлган 7,15 гектар ер майдонини фуқаро Ғ.Очиловга ноқонуний равишда 5200,0 минг сўмга сотганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан С.Тўраевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, "Мирзачўл гавҳари" фермер хўжалигига тегишли 6 гектар ер майдонини фуқаро С.Гулмуродов фирибгарлик йўли билан фуқаро Д.Мусабоевга 3000,0 минг сўмга полиз экинлари экиш учун сотганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган мониторингларда гидротехника иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Жумладан, Зомин туманида ўтказилган мониторингда, сув ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 21 нафар фермер хўжалиги раҳбарларига нисбатан МЖтКнинг 74-моддаси, 2-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонун талаблари бузилиши, бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилган.

Қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмларнинг сақланиши, улардан самарали фойдаланишда хўжасизликларнинг олдини олиш чораларини кўриш борасида ўтказилган мониторинг ва текширишларда айрим қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, Арнасой туманида ўтказилган мониторингда, туман "Машина трактор парки" акциядорлик жамиятининг "Кейс" ва "Класс" русумли ғалла ўриш комбайнлари механиги И.Омонов ўзининг жавобгарлигида бўлган қиймати 368,8 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилганлиги аниқланган. Бу борада ўтказилган 14 та текшириш натижасига кўра, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 14 та тақдимнома киритилди. 150 нафар шахс огоҳлантирилиб, 3 нафар шахсга нисбатан интизомий, 58 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва 26 нафар шахсга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, етказилган зарарларни ундириш юзасидан 3898 минг сўмлик 27 та даъво аризаси фуқаролик судига ва 595316,5 минг сўмлик 102 та даъво аризаси хўжалик судига киритилиб, аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилган.

Фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида фермер хўжаликлари манфаатларига жиддий зиён етказиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Жумладан, Мирзачўл тумани "Пахтазор" СФУ ҳудудида "Ёлғош бобо" фермер хўжалигидан Дўстлик пахта тозалаш акциядорлик жамиятига қарашли "Иржар" филиалининг 17400,0 минг сўм дебитор қарзи мавжудлиги аниқланиб, фермер хўжалиги фойдасига 3867,0 минг сўм ихтиёрий ундирилиб, 14533,0 минг сўм қарздорликни ундириш бўйича хўжалик судига даъво аризаси киритилган.

Шунингдек, мазкур йўналишда ўтказилган мониторинг ва текширишлар давомида фермер хўжаликларида 74,5 гектар ер майдони, 93,1 тонна минерал ўғит, 42 тонна чигит, 100,3 тонна омухта ем, 46,8 тонна нефть маҳсулотлари олишда, 35,6 миллион сўмлик дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдамлар берилди.

Акбархон ТУРСУНОВ,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Имконият

Хатирчида "Бахт уйи"

иш бошлади

ХАТИРЧИ тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида ёшларнинг никоҳини қайд этиш маросимлари муҳташам "Бахт уйи"да қайд этиладиган бўлди.

РЕСПУБЛИКА Адлия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги ва адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари билан бу яхши ният амалга ошди.

Яқинда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идораси янги биносининг очилиш маросими ўтказилди.

— Бизга шундай ҳашаматли ва файзли бинони ҳадя этган Адлия вазирлиги ва адлия бошқармасига, барча ҳомийларга — "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятига, Рўзиқул Маҳмонов номли маҳалла фуқаролар йиғинига, бир қатор фермер хўжаликларига, хусусий нотариал идора раҳбари Азамат Тошевга миннатдорчилик билдирамиз, — дея қувончини ифода этди туман ФҲДЁ бўлими мудираси Манзура Кўлдошева.

Тадбирда 180 миллион сўмлик қурилиш ишларини тез ва сифатли бажарган қўли гул қурувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шундан сўнг, "Бахт уйи"да биринчи келин-куёв никоҳини қайд этиш маросими бўлди.

"Бахт уйи" бахтли оилаларга қутлуғ остона бўлиши шубҳасиз.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги энг долзарб масала бўлиб бугун олиб борилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир.

Қонун ва шахс

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш

долзарб масала

ҲУҚУҚШУНОС кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини** нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги ҳиссасини кескин ошириб бориш зарур.

Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини, албатта, ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори асосида барча вазирликлар, қўмиталар ва бошқа органлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойиши ёш авлодни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармойишга кўра, Конституциямизнинг мазмунмоҳиятини болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча боскичларида мукаммал ўрганиш тизими ҳаётга жорий килинди ва бу ҳозирда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга бўлган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг яна бир ифодасини 2008 йил 1 июлдаги **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қонуннинг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати масаласига бағишланган бўлиб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш қайд этиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқсиз ҳуқуқий онг, ҳуқуқий онгсиз эса ҳуқуқий маданият мавжуд бўлмайди. Уларнинг ҳар иккиси бир-бирини тақозо қилади. Ҳуқуқий маданиятли инсон ўз навбатида ҳуқуқий онгли бўлиши табиий, албатта. Лекин, шунинг билан бирга ҳуқуқий онгли фуқаро ҳуқуқий маданиятли бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ёш авлодни қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбиялашни, авваламбор, оиламиздан бошламоғимиз, ўзимиз фарзандларимизга, қолаверса, бошқаларга ўрнак бўлишимиз даркор.

Музаффар СОЛИЕВ,
Акбар УРАЛОВ,
ҳуқуқшунослар

МАМЛАКАТИМИЗДА нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг мукаммал ҳуқуқий асослари яратилган. Бу Ўзбекистон Республикасининг Жамоат бирлашмалари, Сиёсий партиялар, Сиёсий партияларни молиялаштириш, Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари, Нодавлат нотижорат ташкилотлар, Жамоат фондлари, Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар ва бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ёрқин акс этган.

Таҳлил

Жамоат ташкилотлари

ва уларнинг эркин фаолияти

ВИЛОЯТИМИЗДА ҳам жамоат бирлашмалари сафи анча кенгайиб, жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олди.

Ҳозирги кунда вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтган 80 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, вилоятда Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган 170 дан зиёд жамоат бирлашмаларининг бўлим ва филиаллари мавжуд.

Улар турли соҳалар, хусусан, таълим, фан, маданият, спорт, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, фахрийлар, аёллар, ёшлар, ногиронлар ҳамда болалар масалалари билан шуғулланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшаяптилар.

"Маҳалла", "Наврўз", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" "Болалар", "Меҳр- мурувват", "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаларининг бу борадаги улуши янада салмоқли бўлаётир. Таълим-тарбия ҳамда ободончилик тадбирларини амалга ошириш, фахрийлар ва ногиронларни маънавий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли соғлиғини яхшилашга қаратилган қўламдор ишларни улар ўз зиммаларига олганлар. Жумладан, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташаббуси билан эҳтиёжманд оилалар ва фуқароларга ҳашар ҳамда ҳомийлик ёрдамлари мунтазам уюштирилаяпти.

Вилоятимизда ташкил этилган рус, татар, қозоқ, корейс халқлари миллий-маданий марказлари шу миллатларнинг маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар қилишди. Шунингдек, бокс, теннис, кураш, каратэ, самбо, футбол ва спортнинг бошқа турларига оид 19 та спорт федерациялари юртимиз спортини ривожлантириш, мамлакатимиз ёшларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда астойдил иштирок этмоқдалар. Аҳолига ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланаётган "Стоматологлар", "Анестезиолог ва реаниматологлар", "Шошилинч тиббий ёрдам врачлари" ассоциациялари фаолияти ҳам эътиборга молик.

Шу ўринда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ортаётганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Ҳозирги вақтда вилоятда тўртта сиёсий партиянинг ҳудудий бўлимлари изчил ишламоқда. Яна бир жамоат ташкилоти бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг вилоят Кенгаши ва унинг таркибида 14 та тармоқ касаба уюшмалари фуқароларнинг меҳнатга доир ҳамда ижтимоий, иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, албатта.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида мазкур ташкилотлар ходимлари билан "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари" мавзуида "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси туманлар ҳокимликлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида "Ёшлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг вазифалари" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир қонунлар тарғиботи юзасидан жойларда учрашувлар, семинарлар ташкил этилди. Фуқаролик жамияти тамойиллари мамлакатимизда мустаҳкам қарор топишида унинг асосий таянчи ҳисобланган жамоат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда бу сингари тадбирларнинг аҳамияти катта.

Илҳом ТЎРАЕВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ҳуқуқий маърифат

Малака, мезон, истеъдод

Концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА юртимизда замонавий эстрада-қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу туфайли, айниқса, ёшлар ўртасида эстрада санъатига қизиқиш ортиб, янги-янги ижодий гуруҳлар ва хонандалар бу йўналишда ижод қилмоқдалар. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан эстрада санъатини ривожлантириш борасида самарали ишлар қилинаётир. Ушбу бирлашма республикада ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензияловчи орган ҳисобланади.

"ЎЗБЕКНАВО" эстрада бирлашмаси томонидан тақдим этиладиган лицензиянинг икки тури мавжуд. Биринчиси, лицензиянинг "А" тури ҳисобланиб, Ўзбекистон ва чет давлатларда гастроль-концерт уюштириш ҳуқуқини беради. Иккинчиси, лицензиянинг "В" тури бўлиб, у Ўзбекистон ҳудудида тўй, юбилей, бар ва кафеларда хизмат кўрсатиш ҳуқуқини белгилайди.

Лицензияланадиган концерт-томоша фаолиятининг асосий турларига қуйидагилар киради: 1. Республика ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чет элда гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш. Бунга якка концерт (бир ижрочининг якка концерт дастури), бир жанрдаги икки ёки ундан ортиқ ижрочи иштирокидаги концерт дастури; турли жанр йўналишларидаги бир неча ижрочилар иштирокидаги концерт дастури киради. 2. Ресторанлар, хусусий уйлар, кафе ва барларда ўтказиладиган тўйлар, юбилей тантаналари ва бошқа тантаналарга бадиий хизмат кўрсатиш. 3. Кўнгилочар муассасалар, клублар, дискотекалар, ресторанлар, барлар ва кафеларда бадиий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида талабгорнинг малака (профессионал) сифатларини баҳолайди ва уларни "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан тасдиқланган мезонлар ва малака талабларига мувофиқ рейтингнинг аниқ гуруҳларига (биринчидан тўртинчигача) киритади.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи томонидан вокалист-солистга ва унинг ансамбли аъзоларига уларнинг ҳар бирининг малака даражаси ва касб маҳоратига кўра, рейтингнинг ҳар хил гуруҳлари берилиши мумкин.

Лицензиат лицензия олинган вақтдан бошлаб йил чорагида бир марта лицензияловчи органга ўтказилган концерт-томоша тадбирлари тўғрисида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган талабларга мувофиқ ҳисобот тақдим этади. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни лицензияловчи орган лицензиатнинг даврий ҳисоботини ўрганиб чиқиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат фаолиятини режали ва режадан ташқари текшириш йўли билан амалга оширади.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Банк ва мижоз

Ёш оилаларга ғамхўрлик

АТБ "АГРОБАНК" Муғлон филиали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бўлган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашни, иқтисодиётда муҳим тармоқ бўлган ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларни ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳар томонлама кўмак беришни фаолиятидаги устувор вазифа деб ҳисоблайди.

ФИЛИАЛИМИЗНИНГ 1540 та мижозидан 817 тасини фермер хўжаликлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари эҳтиёжлари учун 1 миллиард 165 миллион 580 минг сўм пахта кредити, 1 миллиард 506 миллион 230 минг сўм ғалла учун кредит ажратилди. Ўтган йили фермерларга "Класс-Доминатор" комбайни сотиб олиш учун 292 миллион сўм маблағ берилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам муносиб ҳисса қўшаяпмиз. Йилнинг биринчи чорагида 14 нафар ёш оила имтиёзли кредитларимиздан фойдаланиб, 84 миллион сўмлик уй-рўзғор буюмлари ва мебелларга эга бўлишди. 7нафар тадбиркор "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да имтиёзли кредитлардан фойдаланиб, минимаркетлар барпо этишди. Филиал уларга 90 миллион сўм маблағ ажратди.

Шунингдек, аҳолига чорва моллари сотиб олиш учун 30 миллион сўм, 23 та кам таъминланган оилага 27 миллион сўм кредитлар берилди.

Сервис соҳасини ривожлантириш учун 7 миллион 100 минг сўм ажратилди.

Бугунги кунда банкнинг 12 та шохобчаси мавжуд бўлиб, улар аҳолига ва фермерларга сифатли хизматларни таклиф этмоқда.

Филиалимизда малакали мутахассислар хизмат қилади. Улардан икки нафари — Қувончбек Холлиев ҳамда Шуҳрат Аҳмедовлар Банк-молия Академияси тингловчиси бўлиб, билимларини мустаҳкамламоқда. Айниқса, ёшлардан Арслонбек Шарипов, Алишер Шукуров, Эркин Раҳматов, Руҳиддин Турсуновлар мижозлар ишончини тўлақонли қозонишган

Мақсадимиз, "Банк мижоз учун" шиорига амал қилиб, филиалимизда янги хизмат турларини жорий этиш орқали аҳолига қулайликлар яратишдир. [t]

Руслан ЖАЛИЛОВ,
АТБ "Агробанк" Қашқадарё вилояти Муғлон филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи

яхшилаш ҳақида"ги Фармони ҳамда Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"** бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

Дастурда давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилган бўлиб, талай ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибати эканлиги, айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, жумладан, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланиш кўрсатиб ўтилган.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий

Бугун: Маънавиятимиз муаммолари

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг шу йил 26 май сонида эълон қилинган профессор Муҳаммад Қуроновнинг "Маънавий таҳдид — маржонли сиртмоқ" сарлавҳали мақоласини ўқиб, жуда хурсанд бўлдик. Мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири тилга олинган. Чиндан ҳам ёшларимизнинг ўзбекона тарбиясига оилада, мактабда, ўқув юртлари, иш жойларида ҳам эътиборни кучайтириш зарурати ортиб бормоқда. Бундан ташқари, хонандаларнинг чиқишларига қараб, бошқа халқларда шубҳасиз, ўзбеклар шундай кийинар экан ёки одоби ҳам шундай кўринишда бўлса керак, деган фикр уйғониши табиий, деб ўйлаймиз.

Акс-садо

Ўз аксимизни кўрсак...

"Маънавий таҳдид — маржонли сиртмоқ" мақоласини ўқиб

ТАРБИЯНИ боланинг ёшлигидан бошлаш лозим, деб уқтиради аждодларимиз. Тарбия эса кишининг, аввало, кийинишида ҳам акс этади. Ўзбекона кийиниш, сўзлашиш одобига боғчада, мактабда, таълим даргоҳларида жиддий қаралса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ойнаи жаҳонда (намойиш қилинадиган концерт дастурларида) хонандаларнинг маънавий қадриятларимизга тўғри келмайдиган тарзда кийиниб чиқишлари миллий ғурури бор кишиларда эътироз уйғотади. Ўйлаймизки, ўзини жамият ҳаётига масъул деб билган катта ёшдаги шахсларнинг кези келганда ўзбекона кийинишда ўрнак бўлиши, уларнинг фарзандларига ҳам тенгдошлари ибрат билан қараши яхши маънавий самара беради.

Хуллас, кўзгуга қараганда ўз аксимизни кўрсак, деймиз.

Мусабой АСРОНОВ,
Андижон шаҳар,
Маориф кўчаси

Оила, шахс, жамият

Тарбиянинг таянч нуқталари...

Тамара ТИЛЛАЕВА,
Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари номзоди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Кишининг ички ва ташқи дунёси, юриш-туриши унинг маънавиятини англатар экан, шу жиҳатларнинг бирортасидан бехабар қолиш ёшларнинг онг-шуурида маънавий бўшлиқ юзага келишига йўл очади.

Президентимиз **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарида ёзгани каби: **"Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур"**.

Бугунги кунда ғаразли мақсадларни кўзлаган ёт кучлар томонидан турли воситалар орқали қилинаётган мафкуравий хуружлар айнан шу маънавий бўшлиққа қаратилаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Биз учун ҳаёт-мамот масаласи саналувчи бола тарбияси учун, аввало, оилада маънавий устунлар пойдевори мустаҳкам бўлмоғи лозим. Бу ўз ўрнида катта ёшдагиларнинг ҳам маърифатли, жамият ва фарзандлар олдидаги масъулиятини англайдиган шахслар бўлишини тақозо этади. Бир нарса аён, ота-она маънавиятли бўлган оиладаги ёшларнинг дунёқараши тоза, тарбияси ҳам мустаҳкам бўлади. Муҳими, ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара билади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 26 апрель куни тасдиқланган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси мажлиси баёнининг 2-иловасидаги **"Миллий менталитетимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар олдини олиш бўйича чора-тадбирлар Дастури"**да барча мутасаддилар, жамоат ташкилотлари, муассасалар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Дастурда ёшлар маънавиятини шакллантиришда халқнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларининг алоҳида аҳамиятини, аввало, ота-оналарга тушунтириш ҳақида таъкидланган бежиз эмас. Зеро, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилаларда камол топаётган ўғил-қизларнинг бугунги қарашлари, маънавияти, орзу-ўйлари, ота-оналаридан бошлаб бутун бир жамиятнинг эътиборида бўлмоғи лозим. Оила — илк тарбия ўчоғи, албатта.

Сир эмаски, одамлар фикратини маҳв этиш, замонавийлик ниқоби остида ўз ғояларини сингдириш учун ёшларимиз онгига минг бир маънавий дарчалардан суқилиб киришга уринаётган кучлар кўп. Бу уринишлар; маданият ва санъат шаклида бўладими, янгича урф-одатлар ёки компьютер технологиялари хизмати воситасидами, улар ўсмир-ёшларнинг энди шаклланаётган қарашларини ўз оқимига буриб юбориш пайида бўлади.

Айрим ёшларимизнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, муомаласи, турли "янгича" урфларга стихияли равишда берилиши, энг ачинарлиси, бундай урфларнинг ёшлар ўртасида оммавийлашуви уларнинг маънавиятига жиддий таъсир кўрсатади. Бир қарашда майда-чуйда бўлиб кўринган бу ҳолатлар, катталарнинг "ҳали ёш-да, ўйнаб-кулавер-син" деган қабилида лоқайд қарашлари ёшларнинг миллий менталитетимиздан йироқлашувига, уларнинг онг-шуурида ота-она, элюрт, Ватан тушунчаларининг ҳира тортишига олиб келади.

Шу ўринда бир мисол келтирсак. Айтайлик, айниқса, шаҳар жойларидаги никоҳ тўйларида келинчакнинг тўй куни ҳаддан ташқари, очиқ-сочиқ (маъзур тутсинлару, ярим яланғоч тарзда) кийиниб чиқиши урф бўлиб қолди. Ажабо, бу замонавийликми ёки аждодларимиз маънавиятига нисбатан ҳурматсизликми? Бундай урф ўғил-қизлар маънавиятига нима бера олади ёки нимадан мосуво қилади? Кўча-кўйда қизларнинг кийинишида ҳам шу каби ҳолатларни кузатиб бош чайқайсиз. Уйдан чиқиб кетаётганида ота-онаси кўрмадимикин, дейсиз беихтиёр. Тарбиялилик ва тарбиясизликнинг бир-биридан чегараси бўлганидай, кийиниш бобида ҳам меъёр бўлса, бу маънавий мезонларга путур етмаслигига ёрдам беради, албатта. Бинобарин, дунёдаги жами мавжудотлардан одам ақлзаковати, маънавияти билан фарқланади. Унда юксак туйғулар, фазилатлар мужассам.

Замонавийлик дегани қайсидир урфга, одатга, борингки, ғояга кўр-кўрона эргашган тенгдошидан қолишмаслик учун ўзи англаб етмаган одатга эргашиб кетавериш эмас. Катта ёшдагиларнинг эътиборсизлиги, бунга ҳатто кўникиб қолганлиги ташвишланарли ҳолдир. Ҳар ҳолда, замонавийлик маънавиятсизлик дегани эмас, бу тушунчани нотўғри тушунган ва ўзига шундай татбиқ этган ёшларнинг тарбияси ортда қолиши тайин.

Яқиндагина тўй қилган бир хонадонга кирганимда шундай нуфузли оила аъзоларининг маънан қашшоқлигидан афсуслангандим. Замонавий... Оддий бир одат тарзида қайнотасининг олдига очиқ-сочиқ, "шорти" кийган келинчак чой олиб кирди. Келиндан кўра биз ноқулай аҳволда эдик.

Ҳар қадамда учрайдиган интернет кафеларда ўсмир-ёшларнинг нима билан машғуллиги катталари сергак торттирмоғи шарт. Улар ўйнаётган ўйинларда ҳам жангарилик қайфияти устун. Дискотека клублари, барларда гулдай ўғил-қизларимизнинг маъносини тушунмаган хорижий куй-қўшиқларга кечалари телбаларча рақс тушишлари, гиёҳвандлик, ичкиликка берилишлари бундай ёшларни аста-секин манқуртга, зомбига айлантиради. Катталарнинг маънавий назорати сусайган жойда ўсмир-ёшларни мафкуравий хуружлар ўз домига тортаверади.

Бу масалада оилага алоҳида эътибор бериш лозим. Президентимиз шундай дейди: **"Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир"**.

Фарзандларимизда замонавий техник воситалардан мақсадли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга катта эҳтиёж мавжуд. Аввало, уларнинг тушунчалари, ҳаётга қараши, бизга бўлган самимий муносабати, ўз хатти-ҳаракатларига масъуллик ҳисси қай даражада эканлиги доимий эътиборталаб жиҳатлардир. Ҳар қандай тараққиёт, глобаллашув замонида ҳам инсонга хос бўлган пок туйғулар, маънавий қадриятлар ҳар қандай ёшдаги киши қалби, шуурида бўлиши шу миллатнинг маънавий куч-қудратини намоён қилади. Ва бундай миллатни енгиб бўлмайди.

Яна бир мисол. Кишининг муомаласи унинг ички дунёсини акс эттириши табиий. Айрим йигит-қизларнинг бир-бирига оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни айтиб муомала қилиши, буни оддий ва табиий нутқига айлантириб улгурганини кузатасиз. Ҳақоратли сўзлар улар учун "қалайсан, яхшимисан" дегандай бир гап бўлиб қолган. Шу каби йигитларнинг бир-бири билан худабехуда ўпишиб кўришишлари ҳам уларда шаён, йигитлик мардлиги, ғурур туйғуларининг сусайганлигини кўрсатади. Улар ўртасида бош тўқиштириб кўришишдай яна бир бемаъни урф пайдо бўлганки, буни қандай изоҳлашни билмайсан киши. Чинакам йигит кишига ярашмайдиган бундай қилиқлар уларнинг мард, шижоатли, бир сўзли эканини билдирмайди, деб ўйлаймиз.

Хуллас, ҳаётий мисоллар талай. Ота-оналарнинг лоқайдлиги, оқибатини ўйламай, фарзандларини талтайтириб қўйишларини кўриб бундай ота-оналар тиканни билиб босади, билиб жабрини тортади, дегинг келади. Ёш ўғил-қизларнинг маънавий камолоти нафақат ёш авлод, балки бутун жамият ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим масала эканлигини унутиб бўлмайди.

Юқорида қайд этилган муҳим Дастур мазмунидан келиб чиқиб, ёшлар, болалар маънавий тарбияси борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўплигини англайсиз. Хусусан, вояга етмаганлар томонидан мутолаа қилинаётган асарлар томоша этилаётган видео ва тарқатма материаллар, радиоэшиттиришлар ва аудиал манбалар, уяли алоқа воситалари устидан ота-она назорати лозимлигини тушунтиришга эътибор қаратилди. Шарқона одобахлоқ, миллий қадриятлар, буюк инсоний фазилатларни маҳаллаларда ташкил этиладиган оммавий тадбирлар давомида аҳолига мунтазам тарғиб қилиш белгиланди. Болаларни турли ёт таъсирлардан асраш, улар онги ва қалбида маънавий иммунитетни шакллантиришнинг самарали чора-тадбирларини оммалаштиришга қаратилган туркум кўрсатувлар бериб бориш, дискотека, бар, ресторанлар, алкоголли ичимликлар савдосини амалга оширувчи манзилларга 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг киришини тақиқлаш амалиётини мазкур манзил томонидан жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш ҳам катта масъулият талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, эртанги кунимиз, келажагимиз, жамиятимиз равнақи ёшларимизга қай даражада тарбия бераётганимизга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганлари каби: **"Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин"**. Бу рўйи заминда миллат бўлиб, халқ бўлиб, ўз ўрнимиз ва мавқеимизни белгилаб олишимиз, эртанги кунга янада озод ва обод Ватан қолдириш учун энг аввало, биз ўз ҳаётимизнинг давомчилари ёш авлод — ўғил-қизларимиз тарбиясига истиқлол ва озодлик қадрини сингдиришни ҳаётмамот масаласи, деб билмоғимиз керак.

2007 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон асаларичилари ассоциацияси фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 25 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 658-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Ўқидингизми?

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ йўналишдаги "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг шу йилги 2-сони нашрдан чиқди.

ЎЗБЕК, инглиз, рус тилларида чоп қилинаётган мазкур журналнинг ўзбек тилидаги вариантида Жамолиддин Ҳакимовнинг **"Ахборотлашган жамият: инсон ҳуқуқларини таъминлашда журналист масъулияти"**, Тўлқин Набиевнинг **"Қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг амалий аҳамияти"**, Аҳмаджон Алимовнинг **"Ўзбекистонда виждон эркинлиги таъминланмоқда"** номли мақолалари эълон қилинган.

Журналнинг инглизча вариантида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг **"Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади"** номли, Санжарбек Тошбоевнинг **"Инсон ҳуқуқлари таълими халқаро кун тартибида"** номли мақолалари ўрин олган. Унинг рус тилидаги вариантида Ахтам Турсунов ва Игорь Кореневларнинг **"Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши"**, Артем Гороховнинг **"Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича янги халқаро ҳуқуқий меъёрлар"** номли мақолалари берилган. Шунингдек, журналнинг ушбу сонида бошқа кўплаб қизиқарли ва муҳим мавзулардаги материаллар мухлислар эътиборига ҳавола этилган.

Дилором МАТКАРИМОВА

Луқма

Поездаги ғавғо

ёхуд "Шарқ-экспресс" билан ғала-ғовур бозорнинг фарқи ҳақида репортаж

ШУ ЙИЛНИНГ 13 июнь куни хизмат сафари билан Навоий вилоятига боришимизга тўғри келиб қолди. "Тошкент-Бухоро" "Шарқ-экспресс" поездига чиқишга қарор қилдик.

Хуллас, сафар халталарини қўлтиқлаганча, 13 июнь куни эрталаб соат 7.00 да Шимолий вокзалда пайдо бўлдик. Ҳали машинадан тушиб улгурмасимиздан бизни бир гуруҳ йигитлар қуршаб олди. "Ока, "Шарқ-экспресс"гами, мана чипта бор..." Улардан қутулганимизча, йигирма дақиқадан ортиқ вақт кетди. Бир бало қилиб чиптахонага етиб бордик. Оддийроқ вагонларга чипта қолмаган экан. Наилож. 36.837 сўмдан 1-классли вагонга чипта харид қилдик. Ўйладикки, 1-классли, 1-вагонда маза қилиб дам олиб кетамиз...

АФСУСКИ, вагонга чиққанимиз заҳоти умидларимиз пучга чиқди. Чунки, ҳали поезд қўзғалиб улгурмасдан чипта бўйича бизга тегишли бўлган 11 ва 12- ўриндиқларни эгаллаб бўлишган экан. Аёл киши. Бунинг устига қўлида ёш боласи бор. Турғазиб юбориш ноқулай. Хуллас, вагон кузатувчисига мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

Наҳорда йўлга чиққан эмасмизми, орадан ярим соат, бир соат вақт ўтиб, тамадди қилиш мақсадида вагон-ресторанга йўл олдик. Сизга ёлғон, бизга чин, вагон-ресторанга етиб боргунча бўлган икки ёки учта вагонни нақ йигирма дақиқада босиб ўтдик. Нега, дейсизми? На йўлакда, на тамбурда оёқ қўйгулик жой бор. Ҳамма ёқ коп-қанор, улар устига жойлашиб олган чиптасиз йўловчилар...

Бир амаллаб вагон-ресторанга етиб олдик. Энди буниси ортиқча. Кўз олдингизга келтиринг, сиз вагон-ресторанда эмас, бозордасиз. На оёқ қўйишга, на қўл узатишга жой бор. Агар шоирона ташбеҳ билан

айтадиган бўлсак, игна ташласангиз ерга тушмайди. "Шарқ-экспресс" билан бозорнинг ўртасида бор-йўғи биттагина фарқ кўрдик. У ҳам бўлса, бозор бир жойда туради. "Шарқ-экспресс" эса ҳаракатда...

Гапнинг индаллоси, вагон-ресторанда нонушта қилиш у ёқда турсин, нафас олишнинг имкони йўқ. Амал-тақал қилиб вагон-ресторан хизматчисини топдик. Официантимиз ҳам хозиржавобгина экан. Бизни кўп куттириб қўймасдан жавоб бера қолди. "Сизлар қайси вагон ва қайси ўриндиқда эканликларингизни айтиб кетаверинглар, мен ўзим истаган нарсаларингизни уч минутда муҳайё қиламан". Орадан ўттиз дақиқа ўтди ҳамки, официантдан дарак бўлмади. Шундан сўнг тамбур-у йўлаклардаги издиҳом орасидан ўтиб, иккинчи марта вагон-ресторан эшигини қоқдик. Бу гал андаккина овозимизни кўтариб, журналист эканлигимизни шипшитган эдик, официант қизимиз бизни кузатиб, ортимиздан нонуштамизни кўтариб келди...

Ҳа, сездим. Кўнглингиздан кечикиб бўлса-да, нонушта қилибсиз, манзилга етибсиз, яна нега бу лукмани ёзиб ўтирибсиз, деган савол ўтди. Келинг, сўзимнинг сўнгида ана шу саволга жавоб бериб кўя қолай. "Шарқ-экспресс" Ўзбекистондаги поездларнинг энг кенжаси. Тошкентдан Бухорога олти-етти соатга қолиб-қолмай етказиб боради. Бир сўз билан айтганда, Оврупонинг хоҳлаган давлати ҳавас қилса арзийдиган поезд. Шундай экан, унинг йўловчилари ҳам шунга яраша. Дейлик, Оврупонинг қай бир чеккасидан қадим Самарқанд ёки Бухорои Шарифни зиёрат қилмоқ мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳ, албатта, шу поездга чиқади. Чунки, иссиқ кунда автобус ёки машинада юргандан кўра, салқингина поездда (афсуски, биз кетган вагонда совутгич ҳам ишламас экан) юрган яхши-да. Ўша куни бизнинг вагонимизда ҳам уч-тўрт хорижлик бор эди.

Ана энди сиз бир саволимга жавоб беринг. Хорижлик сайёҳлар вагонлардаги бесаранжомликни кўриб қай хаёлга боришади? Биз ҳақимизда нималарни ўйлашади?..

Умид қиламизки, бу саволларимизга "Шарқ-экспресс" раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари жавоб беришади.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг нотариат бўлими бош маслаҳатчиси Холида Нигматовага акаси
Тўлқин НУРИТДИНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ахмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриқош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шоҳиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановича
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-515. Тиражи — 19615. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 6 8